

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.5**

ХУДОЙҚУЛОВ ФАРРУХ ФАРХОДОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИНГ
ДАРОМАДЛИЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Мутахассислик: 5A230701-«Банк иши (фаолият турлари бўйича)»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
Проф.Кенжабоев О.**

ТОШКЕНТ-2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ.....	8
1.1. Тижорат банклари активларини бошқариш хусусидаги илмий-назарий қарашлар ва улар билан боғлиқ рисклар таснифи.....	8
1.2. Тижорат банклари активларининг туркумланиши ва уларни бошқариш бўйича хориж тажрибаси.....	28
1.3. Биринчи боб бўйича хулоса.....	37
2-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИНГ ДИНАМИКАСИ ВА ДАРОМАДЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИ	40
2.1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг динамикаси ва замонавий ҳолати.....	40
2.2. Тижорат банклари активларининг даромадлилиги таҳлили.....	46
2.3. Иккинчи боб бўйича хулоса.....	56
3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	59
3.1. Тижорат банклари активларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар.....	59
3.2. Тижорат банклари активларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш йўллари.....	63
3.3. Учинчи боб бўйича хулоса.....	67
Хулоса.....	69
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёд бўлиб, бу жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган, “юқори” деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар ортиқдир. Кредит портфели жами маблағларининг 80 фоизга яқини ички манбалар улушига тўғри келмоқда.

Айниқса, банк хизматларидан фойдаланиш даражасини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Масалан, юртимизда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 та банк муассасаси тўғри келаётгани, ҳар минг киши номига 1 минг 28 та банк ҳисобрақами очилгани халқаро нормалар бўйича “юқори” деган баҳо кўрсаткичига мос келади.¹

Бугунги кунда банклар олдида энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири ўз активларини банкка ўз пулини ишониб топширган миждозлар учун фойда келтирадиган тарзда ишлатиши керак. Шунингдек у маблағларини самарали ишлатишга тайёр миждозларни кредит учун фаол жалб этувчи тузилма бўлиши керак. Айнан ушбу оддий вазифани бажариш, банкларни иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантириш, иқтисодий тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, уларнинг самарадорлиги ва рақобат даражасини оширишга қодир бўлган асосий воситачига айлантиради.

Бу вазифаларни тижорат банклари бажаришлари учун ўз активларини оқилона жойлаштиришлари зарур бўлади. Банкнинг активларини жойлаштиришда бир неча ички ва ташқи омиллар таъсир қилади. Ташқи омиллар бу халқаро ва мамлакатдаги умумиқтисодий ва ижтимоий ҳолат билан боғлиқ бўлган омиллар бўлса, ички омиллар бу бевосита банкка таълуқли, яъни банк активларини бошқариш билан боғлиқ омиллардир. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки банк активларини самарали бошқариш тизимини сифатли ташкил этиш долзарб масалалардан биридир.

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Тошкент-“Ўзбекистон”-2014-Б.12.

Бугунги кунда республикамизда иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилаётган банк кредитлари ҳажмининг ошиши, банк кредитларидан фойдаланаётган турли мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шаклидаги мижозлар миқдорининг кўпайиши ва банклар томонидан берилаётган кредитларни оқилона жойлаштириш ва улар самарадорлигини ошириш, берилган кредитлар ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ундириб олишни таъминлаш банклар актив операциялари таркибида юқори салмоққа эга бўлган кредит операциялари устидан доимий кузатиб бориш асосий иш деб талаб қилинмоқда.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи зарурий шартларидан бири бу - банк активларининг барқарор даромадлилик даражасига эришиши ҳисобланади.

Умуман олганда тижорат банклари активларининг даромадлилигини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги, уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Диссертациянинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари активларини бошқариш хусусидаги назарий қарашлар хорижлик ва Ўзбекистонлик бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан илмий асосда тадқиқ қилинган. Хусусан, мазкур масала хорижлик иқтисодчи олимлар Р. Коттер, Д. Синки, Я. Корнаи, С. Фишер, С. Френкель, К. Байнке, МДҲ олимларидан А. Колесников, О. Лаврушин, Л. Красавина, Г. Панова, В. Усоскина, Б. Ирешевларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А. Вахабов, Ш. Абдуллаева, Т. Қоралиев, Т. Бобоқулов, З. Холмахмадов, С. Норқобилов, Б. Бердияров, Д. Саидов, Ғ. Яхшибоевларнинг илмий ишларида тижорат банклари активларини бошқариш амалиётининг алоҳида назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Диссертация ишининг объекти. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари олинган.

Диссертация ишининг предмети. Тижорат банклари активларини бошқариш жараёнида юзага келадиган молия - кредит муносабатлари тадқиқотнинг предмети ташкил қилади.

Тадқиқот ишининг мақсади: Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг даромадлигини ошириш йўллари тақомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишининг вазифалари:

- тижорат банклари активларини бошқариш хусусидаги илмий - назарий қарашларни ўрганиш ва улар билан боғлиқ рисклар таснифи;
- тижорат банклари активлари билан боғлиқ рискларни таснифлаш ва уларнинг моҳиятини очиқ бериш;
- тижорат банклари активларининг туркумланиши ва уларни бошқариш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш;
- тижорат банклари активларининг таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш;
- тижорат банклари активларининг даромадлиги ва ликвидлиги амалиётини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан активларни бошқариш тизимини тақомиллаштириш борасида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни тақомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг динамикаси ва замонавий ҳолати ҳамда тижорат банклари активларининг даромадлиги таҳлили саналса, **фаразлар** активларининг даромадлигини оширишнинг келгуси истиқболини белгиловчи янги таклифларни қўллаш имкониятлари сифатида кўрилади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар тавсифи. Ушбу тадқиқот ишида асосан тижорат банкларининг баланс ҳисоботларига доир амалий маълумотлар, маҳаллий ва хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ёзилган

илмий адабиётлар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, меъёрий қўлланмалар, газета ва журналлардаги илмий мақолалардан фойдаланилган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Диссертация иши ёзилиши жараёнида илмий тадқиқот услублари назарий ҳамда эмпирик усуллар элементларидан фойдаланилган. Хусусан, назарий услублардан: таҳлил, аналогия, дедукция, таснифлаш, умумлаштириш, синтез ва қиёслаш услубларидан фойдаланилган бўлса, эмпирик услублардан: кузатув, текшириш, тажриба иши ва синов услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундан иборатки, унинг илмий таклиф ва амалий тавсияларидан тижорат банклари активларининг даромадлилигини оширишни такомиллаштиришнинг назарий - услубий асосларини чуқур тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан тижорат банклари активларининг даромадлилигини оширишни такомиллаштириш бўйича чора - тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- тижорат банклари активларини бошқариш хусусидаги назарий қарашлар ва уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари ўрганилди;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг шаклланишига хос бўлган хусусиятлар аниқланди;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра кредитлар биринчи ўринни эгаллаши кредитлаш банклар учун асосий фаолият тури бўлиб қолаётганлиги билан изоҳланди;

– республикамиз тижорат банкларининг ҳукуматининг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларининг уларнинг брутто активлари ҳажмидаги салмоғини паст даражада қолганлиги аниқланди;

– мамлакатимиз тижорат банклари активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўллари асослаб берилди.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Тадқиқот иши таркибий жихатдан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Тадқиқот ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг объекти ва предмети, мақсади ва вазифалари, мавзунинг назарий-амалий аҳамияти, илмий янгилиги ва таркиби ёритиб ўтилган.

Тадқиқот ишининг биринчи бобида тижорат банклари активларини бошқаришнинг назарий асослари ва уларнинг туркумланиши ёритилган.

Тадқиқот ишининг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларини бошқаришнинг замонавий ҳолати ва динамикаси таҳлил этилган.

Тадқиқот ишининг учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари ёритиб ўтилган.

Тадқиқот ишининг хулоса қисмида мавзуни ёритишда шакллантирилган хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ўз аксини топган.

1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ

1.1. Тижорат банклари активларини бошқариш хусусидаги илмий-назарий қарашлар ва улар билан боғлиқ рисклар таснифи

Одатда тижорат банклари активларини бошқариш уларнинг сифатига мувофиқ таркибий тузилиши, актив операцияларнинг диверсификацияланишуви, riskли активлар миқдори, активлар даромадлилиги, ликвидлилик кўрсаткичлари ва активларни баҳолаш методларини қўллаш орқали аниқланади.

Иқтисодий адабиётларда банк активларини самарали бошқариш, шакллантириш ва сифатини оширишнинг назарий-концептуал асослари чуқур тадқиқ қилинган.

Иқтисодчи олим В. Усоскин ўзининг «Современный коммерческий банк: управление и операции» номли монографиясида тижорат банклари активларининг асосий турлари бўлган кредитлар ва кассали активларнинг сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор берган. В. Усоскин кредит портфелини сифатини ошириш мақсадида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштиришни, кредит портфелини шакллантиришда диверсификация принципига қаттиқ риоя этишни таклиф қилади².

Н. Соколинская активларни бошқариш ва сифатини оширишда асосий эътибор уларнинг даромадлилиги ва ликвидлигига қаратилиши лозим деб ҳисоблайди³.

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Эдвин Дж. Долан тижорат банкларининг юқори ликвидли активларини икки гуруҳга ажратади.

1. Кассали активлар.

² Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. – Москва: Вазар-Ферро, 1994. – С. 218-276.

³ Лаврушина О.И. Банковское дело. – Москва: ФиС, 2005. – С. 101-102.

2. Иккиламчи захиралар⁴.

Э. Долан кассали активлар таркибига тижорат банкларининг кассасидаги нақд пулларни, уларнинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғини, тижорат банкларининг бошқа тижорат банкларидаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақамларининг қолдиқларини ва инкассация жараёнидаги пул маблағларини киритади.

Бизнинг фикризимча, Э. Доланнинг кассали активларнинг юқори даражадаги ликвидлилиги хусусидаги фикри жуда ўринли, аммо инкассация жараёнидаги пул маблағларини юқорли ликвидли активлар сифатида эътироф этиш масаласида, табақавий ёндашув бўлиши керак деб ҳисоблаймиз. Чунки, тижорат банки томонидан қабул қилиб олинган ва бошқа тижорат банкларига тўлов учун жўнатилган пулли ҳужжатлар юз фоиз тўланмайди. Уларнинг айримлари ҳатто умуман тўланмаслиги мумкин. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, флоутни юқори ликвидли актив сифатида баҳолаш учун пулли ҳужжатлар бўйича тўловни амалга оширадиган тижорат банкининг тўловга лаёқатлилиқ рейтингидан келиб чиқиш зарур. Рейтинг баллари юқори бўлган тижорат банкларига жўнатилган пулли ҳужжатлар суммасинигина юқори ликвидли актив сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ. Агар пулли ҳужжатлар бўйича тўловни амалга оширадиган банк хорижий банк бўлса, у ҳолда, Стандарт энд Пурс, Мудс, Фитч каби таниқли рейтинг компанияларнинг юқори рейтинг балларига эга бўлган тижорат банкларига жўнатилган пулли ҳужжатлар суммасини, яъни флоут суммасини юқори ликвидли активлар таркибига киритиш лозим. Пулли ҳужжатлар бўйича тўловсизлик муаммоси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларда жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Республикамиз банк амалиётида ҳам чеклар бўйича тўловсизлик муаммоси мавжуд эди. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси

⁴ Эдвин Дж. Долан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. – СПб.: “Санкт-Петербург Оркестр”, 1994. – С. 90-93.

Марказий банки лимитлаштирилган чек дафтарчалари воситасида амалга ошириладиган тўловларни тўхтатишга мажбур бўлди.

Э. Долан иккиламчи захираларнинг қуйидаги тўрт шаклини ажратиб кўрсатди:

- а) ҳукуматнинг қимматли қоғозлари;
- б) бошқа банкларнинг депозит сертификатлари;
- в) тижорат қимматли қоғозлари;
- г) федерал фондлар.

Бизнинг фикримизча, тижорат қимматли қоғозларига қилинган банк инвестицияларини юқори ликвидли активлар қаторига киритиш мантиқан тўғри эмас. Чунки тижорат қимматли қоғозлари аниқ моддий кафолатга эга эмас, айниқса, республикаимиз шароитида кўплаб корхоналарнинг қимматли қоғозлари бўйича тўловсизлик муаммоси мавжуд. Ана шу фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда тижорат қимматли қоғозларига қилинган банк инвестицияларини юқори ликвидли активлар таркибидан чиқариб ташлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

К. Барлтроп ва Д. МакНотонлар юқори ликвидли активлар таркибига кассали активлардан ташқари тижорат банкларининг балансидаги Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталарни ҳам киритади⁵.

Бизнинг фикримизча, Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталарни юқори ликвидли активлар таркибига киритиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг сабаби шундаки, Марказий банкнинг тратталар бўйича мажбуриятларини бажаришига шубҳа йўқ. Германия Федерал банкининг, АҚШ Федерал захира тизимининг тратталарни қайта ҳисобга олиш амалиёти бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан, шу жумладан, К. Байнке, Э. Долан, Э. Ридлар томонидан тадқиқ қилинган. Уларнинг мазкур масала хусусидаги қарашларини ўрганиш натижасида тратталарни Марказий банкда қайта

⁵ Барлтроп К. и МакНотон Д. Банковские учреждения в развивающихся рынках.-Всемирный банк, Вашингтон, 1993.-с. 53-54.

ҳисобга олиш борасида муаммоларни ва чекловларни мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Проф. О. И. Лаврушиннинг фикрига кўра, тижорат банкларининг ликвидли активлари ўз ичига кассадаги нақд пулларни, тижорат банкининг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғини, тижорат банкининг бошқа банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларининг қолдиқларини ва йўлдаги пулларни олади⁶.

О. И. Лаврушин тижорат банкларининг ликвидли активлари депозитларнинг нобарқарор қисми бўйича мажбуриятларни бажариш имконини бериши керак, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, ҳар учала шаклдаги банк депозитларининг, яъни жорий депозитлар, жамғарма депозитлари ва муддатли депозитларнинг барқарор қисми мавжуд бўлиб, улар жами депозитларнинг 75 фоизидан кам бўлмаган қисмини ташкил этиши лозим. Ликвидли активлар эса, жами депозитларнинг 25 фоизи миқдоридаги мажбуриятларни бажаришга етадиган миқдорда мавжуд бўлиши лозим.

Тижорат банклари активларини бошқариш ва уларнинг сифатини ошириш масаласининг алоҳида назарий ва амалий жиҳатлари Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Б. Бердияров, У. Розукуловларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Масалан, Б. Бердияров ўзининг номзодлик диссертациясида активларнинг сифати улардан олинадиган даромадларнинг барқарор даражасини таъминлашда ўз ифодасини топади деб ҳисоблайди⁷.

У. Розукулов ўзининг «Анализ надёжности коммерческих банков и пути укрепления их устойчивости» мавзусидаги номзодлик диссертациясида активлар сифатининг ёмонлашиши улар билан боғлиқ харажатларнинг ўсишида ва активлардан олинадиган даромадларнинг пасайиш тенденцияси юзага келишида намоён бўлади, деб ҳисоблайди⁸.

⁶ Лаврушин О. Управление деятельностью коммерческого банка.-М.:ЮРИСТЪ, 2003 г.-с. 228

⁷ Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: БМА, 2002. – 19 б.

⁸ Розукулов У.У. Анализ надёжности коммерческих банков и пути укрепления их устойчивости. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Ташкент: БФА, 2002. – 21с.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг ликвидли активлари миқдорини аниқлаш учун меъёрий - услубий асос бўлиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил сентябрдаги “Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришга талаблар тўғрисида”ги Низом ҳисобланади⁹.

Мазкур низомга мувофиқ тижорат банклари жорий ликвидлилик коэффициентининг минимал даражаси 30 фоизни ташкил этади. Банкларнинг жорий ликвидлилик коэффициентини аниқлаш учун ликвидли активлар ва банкнинг 30 кунгача муддатда қопланадиган қуйилмалари суммаси трансакцион депозитлар суммаси ва 30 кун ичида тўланадиган банк тўловлари суммасига нисбати ва олинган натижа 100 фоизга кўпайтиралади.

Ушбу низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидли активлари таркибида қуйидагилар киритилади:

- тижорат банкларининг айланма кассасидаги нақд пуллар;
- ҳукуматнинг қисқа муддатли облигацияларига қилинган инвестициялар суммаси;
- тижорат банкининг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобварағининг қолдиғи;
- тижорат банкининг бошқа банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқлари.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ликвидли активлар таркиби бирламчи захиралар таркибига мос келади, бирламчи захираларнинг фақат битта элементи флоут ликвидли активлар таркибига киритилмаган.

Бизнинг фикримизча, ликвидли активлар таркибига флоутнинг юқорида асослаб берилган барқарор қисми киритилиши лозим.

Мазкур Низомда тижорат банклари ликвидли активларининг зарурий миқдори банкнинг трансакцион депозитлари ва мажбурий характердаги

⁹ Сборник Законодательных актов по реформированию и либерализации банковской системы Республики Узбекистана. – Т.: Узбекистан, -2000. – С. 139-141.

тўловлари суммасига нисбатан белгиланган. Йўриқномада мажбурий характердаги тўловларнинг қайси турларини жорий ликвидлилик коэффициентини инобатга олиш кераклиги кўрсатилмаган. Бу эса тижорат банклари учун амалий аҳамият касб этадиган масала ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, агар коэффициентни ҳисоблашда мажбурий тўловларнинг барчаси инобатга олинса, у ҳолда, тижорат банки ўзининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида катта миқдордаги маблағлари сақлаб туришга мажбур бўлади, чунки ҳукумат облигацияларининг эмиссия ҳажми жуда кичик. Натижада тижорат банклари активларининг даромадлилигига нисбатан салбий таъсир юзага келади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари активларини бошқариш ва уларнинг сифатини ошириш, ликвидлиги ва даромадлилиги ўртасидаги оқилona нисбатни таъминлашни тақозо этади. Шунинг учун тижорат банклари активларини шакллантиришда таниқли иқтисодчи олимларнинг тижорат банклари активларини шакллантириш ва бошқариш хусусидаги илмий хулосалари ва тавсияларидан фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Риск фойдани ололмаслик, берилган кредитлар бўйича тўловларнинг амалга оширилмаслиги натижасида юзага келадиган йўқотишлар, ресурс базасининг камайиши, балансдан ташқари операциялар бўйича тўловларни амалга ошириш каби салбий натижаларни келтириб чиқариш эҳтимоллиги билан белгиланади. Аммо шу билан бирга риск даражаси қанча паст бўлса, юқори даромад олиш эҳтимоллиги ҳам шунча паст бўлади. Шунинг учун, бир томондан, ҳар қандай хўжалик субъектлари риск даражасини минимумга яқинлаштиришга ҳаракат қилади ва бир қанча альтернатив ечимлардан минимал риск даражасига эга бўлганини танлайди, бошқа томондан, риск даражаси ва фаолият активлиги, яъни даромадлилик даражасининг оптимал тафовутини танлаш зарур.

Риск даражаси, ўз навбатида, қуйидаги жараёнларнинг ўсиши тенденциясига эга:

- муаммолар тўсатдан ва кутилмаган пайтда келиб чиқади;
- банкнинг олдинги амалий тажрибасига хос бўлмаган янги вазифаларнинг қўйилиши (бу ҳозирги шароитларда энг актуал муаммодир яъни тижорат банк институти энди ривожланмоқда ва чуқур тарихий илдизларга эга эмас);
- бошқарув малакасиз, ёки вақт ва ахборотларнинг тиғизлиги шароитида зарурий қарорларни қабул қилолмайди;
- банк фаолиятининг мавжуд тартиби ёки қонунчиликнинг ривожланмаганлиги конкрет жараён учун оптимал қарор топишга тўсқинлик қилиши.

Рискларни бошқариш, яъни рискларни юзага келишини прогнозлаштириш ва риск даражасини туширишга имкон берувчи чора - тадбирларни қўллаш мумкин.

Рискларни бошқаришни ташқил этишнинг самарадорлиги кўп томонлама рискларни классификациялашга боғлиқдир.

Рискларнинг илмий - асосланган классификацияси рискларнинг умумий тизимида ҳар бир рискнинг ўрнини аниқ аниқлашга имкон беради. Улар рискларни бошқариш усуллари, услубларини самарали қўллаш имконини яратади.

Банк рисклари классификациясини қуйидагича классификациялаш усули мавжуд. Бунда банк рискларини сиёсий ва иқтисодий рискларга ажратилади.

Сиёсий рисклар - бу ташкилотнинг фаолияти натижаларига салбий таъсир кўрсатувчи сиёсий шароитнинг ўзгариши билан ифодаланадиган рискдир (ёпиқ чегаралар, товарлар экспорт ва импортига эмбарго, мамлакат ҳудудида ҳарбий фаолият ва бошқалар).

Иқтисодий (тижорат) рисклари - бу банк ёки бутун мамлакат иқтисодиётининг салбий ўзгариши билан боғлиқ рисклар. Иқтисодий рисклар шу билан бирга бозор конъюнктураси ва бошқарув даражасининг ўзгариши билан ифодаланади.

Юқорида келтирилган банк рисклари классификацияларини тушуниш учун ҳар бир риск бўйича аниқ тушунчага эга бўлиш зарур.

Қуйидаги келтирилган маълумотларига кўра ташки рисклар уч гуруҳга бўлинади:

- мамлакат rischi;
- валюта rischi;
- фавқулодда ҳолатлар rischi.

Мамлакат rischi - ўз навбатида конвертация rischi, транспорт rischi, моратория тўлови рискига бўлинса, валюта rischi эса икки гуруҳга бўлиниб, у тижорат ва трансляцион рискдан иборат.

Ички риск эса ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади. Булар банк миждозлари таркиби rischi, банк операциялари тавсифи rischi ва тижорат банки тури rischi турлардан иборат.

Банк миждозлари таркиби rischi турли соҳаларга ҳослиги бўйича ҳажми бўйича ва мулкый муносабатлар бўйича рискларга бўлиниб, турли соҳаларга ҳослиги бўйича рисклар эса яна ўз навбатида саноат, етказиб бериш ва тартибга солиш форс - мажор ҳолатлар ва ресурс рискларига бўлинади.

Банк операциялари тавсифи бўйича рисклар қуйидагилардан иборат:

- баланс операциялари бўйича;
- балансдан ташкари операциялари бўйича;
- актив операциялар бўйича;
- пассив операциялар бўйича рисклар.

Актив операциялар бўйича рискларга - операциялар бўйича риск, кредит rischi ва портфел рискларини ўз ичига олади

Пассив операциялари бўйича рискларга - диверсификация rischi ва инфляция rischi киради.

Ички рисклар.

Банкнинг ўз фаолияти натижасида юзага келади ва ўтказиладиган операцияларга боғлиқ.

Рисклар қуйидагича бўлинади:

1. Активлар билан боғлиқ рисклар (кредит рисклари, валюта rischi, бозор rischi, ҳисоб - китоб rischi, лизинг rischi, факторинг rischi, касса rischi, корреспондент счёти бўйича риск, молиялаштириш бўйича риск, инвестициялаш бўйича рисклар);

Кредит rischi — кредит rischi ёки қарзни қайтармаслик rischi, бир хил даражада ҳам банкка, ҳам унинг мижозларига хос рискдир. У қуйидагиларга ажратилиши мумкин:

- саноат (ишлаб чиқаришнинг тушиши эҳтимоллиги ва маҳсулотга бўлган талабнинг йўқолиши билан боғлиқ);
- бошқариш ва етказиб бериш rischi (қандайдир сабабларга кўра шартномавий муносабатларни бажармаслик билан ифодаланади);
- ресурслар турларининг трансформацияси билан боғлиқ (асосан муддати бўйича);
- форс - мажор ҳолатлари rischi.

Қарз олувчини кредитлаш rischi тақдим этилаётган кредит турига боғлиқ. Кредитлар қуйидагича бўлинади:

- тақдим этиш муддати бўйича: қисқа ва узок муддатли;
- таъминот тури бўйича: таъминланган ва таъминланмаган;
- кредиторлар бўйича: банк, давлат, тижорат, суғурта компаниялари ва хусусий шахслар кредити, консорционал;
- дебитор турлари бўйича: қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш (саноат), коммунал, персонал;
- фойдаланиш мақсади бўйича: истеъмол, саноат, айланма маблағлар шакллантириш учун, инвестицион мавсумий, вақтинчалик молиявий қийинчиликларни бартараф этиш учун, оралиқ қимматли қоғозлар билан операциялар учун, импорт ва экспорт;
- ҳажми бўйича: кичик, ўрта, корпоратив;
- тақдим этиш усули бўйича: вексель, очиқ счётилар ёрдамида, мавсумий консигнациялар.

Кредит такдим этиш жараёни ва кредит рискени қелиб чиқиш ҳолатлари қуйидагича (1.1.1-расм):



1.1.1.-расм. Тижорат банкининг кредитлаш жараёни¹⁰

Лизинг риски.

Лизинг - бу янги техника ва технологияларни ривожланиши, ускуналарнинг сотилиши кенгайишини молиялаштириш усулидир. Лизинг операциялари рискени камайтириш учун амортизация чиқимларини меъёрларини ёки уларнинг узоқ муддатли киримини қўллаш чоратадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Лизинг ҳозирги кунда юқори рискли операция ҳисобланади. Лизинг операциялари субъектлари томонидан қайси турдаги муносабатларнинг амалга оширилишига қараб, лизинг операциялари, оператив, молиявий, қайтадиган ва халқаро бўлиши мумкин. Санаб ўтилган

¹⁰ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент: "Молия". 2002. 128-бет.

хар бир лизинг тури бевосита ва билвосита; соф ва тўлиқ бўлиши мумкин. Масалан, АҚШ да, лизингга барча банк қарзларининг 3% гача тўғри келади.

Факторинг риси.

Факторинг банк томонидан пасайтирилган нархда бирор бир ташкилотнинг тўлов талабларини келажакда қарзнинг тўлиқ қийматини олиш учун сотиб олишдир.

Факторинг операциялари рисини камайитиш учун қарз олувчиларнинг тўловга лаёқатлилигини таҳлил қилиш, уларнинг хўжалик муносабатлари характерини, тўловлар структураси, маҳсулот рақобатбардошлигини, унинг қайтарилиши микдорини ва ҳ.к. ларни ўрганиш зарур.

Банк факторинг бўлими томонидан векселларни сотиб олганда, унда вексел сотиб олганлиги риси пайдо бўлади, бундай риск товар таъминотига эга бўлмайди. Ушбу риск шартномага қўшимча шартлар киритилиши билан бартараф этилади, яъни векселнинг муддати тугагандан сўнг 30 кундан ошган қарздорлик бўйича ҳисоблар тўланмайди.

2. Банк пасиви билан боғлиқ (жамгарма ва бошқа депозит операциялари бўйича, банклараро кредитларни жалб қилиш бўйича рислар);

3. Банкнинг ўз актив ва пасивларини бошқариши сифати билан боғлиқ (фоиз риси, баланслаштирилмаган ликвидлилик риси, тўловга лаёқатсизлик риси, фойда ололмаслик риси, капитал структураси риси, банк капиталининг етишмаслиги риси);

Фоиз риси.

Банк актив операцияларининг рислари фоиз рислари даражаси билан боғлиқдир. Фоиз риси банкнинг кредитга берган маблағлари бўйича оладиган фоиз ставкасига нисбатан жалб қилган ресурслари бўйича юқори фоиз ставкалари тўлашга мажбур бўлган ҳолда юзага келади.

Фоиз рисларининг бошқарилиши актив ва пасивларни бошқарилишидан ташкил топади. Фоиз рисларни бошқаришнинг бир неча тамойиллари мавжуд.

Булар қуйидагилар:

1. Банкнинг фоиз маржаси қанча юқори бўлса, фоиз риск даражаси шунча паст бўлади.

2. "Спред" таъйини. Бунда олинган активлар бўйича ўртача тортилган ставка ва тўланган мажбуриятлар бўйича ўртача тортилган ставка ўртасидаги фарқ таҳлил қилинади. Таҳлил учун маълумотлар одатда банкнинг статистик ҳисоботидан олинади.

3. Банкнинг ўзгармас ва сузиб юрувчи фоиз ставкалари билан балансдан ташқари актив ва пасивларни таҳлил қилишдан иборат.

Фоиз рискларининг даражаси қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- активлар тузилишидаги ўзгариш, шу жумладан кредит ва инвестицияларнинг хажми, активларнинг қайд қилинган ва сузиб юрувчи ставкаларда уларнинг бозордаги нархининг динамикаси;

- пасивлар тузилишидаги ўзгариш, яъни шахсий ва заём маблағларининг мутаносиблиги, муддатли ва жамғарма депозитлар;

- фоиз ставкаси динамикаси.

Фоиз рисклари даражасини бошқариш ва назорат қилиш учун банк фаолиятининг аниқ бир ҳолатига боғлиқ ҳолда муҳим стратегиялар ишлаб чиқиш лозим.

Баланслаштирилмаган ликвидлилик rischi.

Баланслаштирилмаган ликвидлилик rischi банкнинг ресурс сифатида жалб қилган маблағлари билан кредитга берган маблағлари миқдори ва муддати фоиз ставкасининг даражаси бўйича мос келмаслиги туфайли юзага келади.

Тўловга лаёқатсизлик rischi.

Тўловга лаёқатсизлик rischi ўз капитали ва ресурсларини йўқотиш оқибатида ўз мажбуриятлари бўйича тўловга лаёқатсиз бўлиш ва фаолиятни тўхтатиш билан боғлиқ рискдир.

Фойда ололмаслик rischi.

Фойда ололмаслик rischi банк ресурсларни йўқотиши улардан самарали фойдалана олмаслигини ифодалайди.

4. Молиявий хизматлар реализацияси билан боғлиқ riskлар (операцион, технологик risk, инновация riskи, стратегик risk, бухгалтерлик, административ, суистеъмол riskи, хавфсизлик riskи).

Операцион riskлар.

Банк операцион riskлари ўз ичига банк хизматлари қийматининг ошиши riskи ва жорий харажатларнинг ошиши riskларини олади. (масалан, маъмурий - хўжалик харажатларни қоплай олмаслик билан боғлиқ riskлар)¹¹.

Технологик risk.

Технологик riskларга банк техника-технологиясида учраб турадиган (узилиш) ахборотларни йўқотишлар (компьютер тизимидаги йўқотишлар, SWIFT каби тизимлардаги носозликлар, ҳужжатларни йўқотиш, компьютер таъмагирлиги, банк ходимлари фаолиятида хатоларга йўл қўйиш ва бошқалар) кирази.

Инновация riskи.

Инновация riskи маълум бир сабаблар туфайли банкнинг инновацияга йўллаган маблағлари мўлжаллаган самарани бермаса ёки йўқотилган бўлса юзага келади. Инновация riskи лойиҳа riskи (уникал лойиҳалар riskи, банк ичидаги risk, бозор ёки портфель riskи), селектив risk (инновацияни нотўғри танлаш riskи), вақтинчалик risk (инновация учун нотўғри белгиланган вақт riskи), зарурий манбаларнинг мавжуд эмаслиги riskидан ташкил топади.

Бухгалтерлик riskлари.

Бухгалтерлик riskлари ўз таркибига: нотўғри ва ўз вақтида бўлмаган пул ўтказмалари ва ёзувлари оқибатида пулларни йўқотиш riskи, учинчи томон олдида банк мавқеига путур етиши ҳамда назорат қилиб бўлмайдиган

¹¹ Samir Shah «Measuring and Managing Operational Risks». Tiillinghast 2002.

Ўтказмаларнинг кўплиги ва бухгалтерия ишига осон киришнинг мавжудлиги боис фирибгарлик рискларини олади.

Суистеъмол rischi.

Суистеъмол rischi банк бошқаруви ёки раҳбарияти, ходимлари томонидан банк фаолияти тамойилларига зид молиявий қарорлар қабул қилинганда вужудга келади.

Хавфсизлик rischi.

Банк хавфсизлиги rischi бу банк биноси, унда мавжуд ахборот компьютер тармоклари, ички ва ёнғин хавфсизлиги билан белгиланади.

Макроиктисодий riskлар.

Мамлакат иктисодиётидаги асосий пропорцияларнинг бузилиши ва салбий молиявий омилларнинг таъсири билан боғлиқ.

Ўтказма riskларига қуйидаги riskларни киритиш мумкин:

- валютанинг йўқлиги;
- ташқи савдо, инвестиция ва тўлов баланси ликвидлиги rischi;
- мажбуриятларни бажаришни рад этиш;
- келажакда мажбуриятларни бажармаслик;
- шартномани қайта кўриб чиқиш;
- режани қайта кўриб чиқиш;
- миллий пул бирлигида хорижий валюта актив-пассивлари қийматининг ўзгариши.

Ташкилий riskлар ўз таркибига:

- малакали персоналнинг мавжуд эмаслиги;
- тижорат ва молиявий ахборотларнинг етишмаслиги ёки мавжуд эмаслиги ва ҳ.к.ларни олади.

Банк мижозлари таркиби rischi.

Мижозлар таркиби rischi банк хизматлари маркетинги ва аҳоли билан муносабатларига боғлиқдир. Кичик, ўрта ва корпоратив мижозлар таркибининг турли - туманлиги riskнинг даражасини белгилаб беради. Кичик турдаги мижоз (қарз оловчи) бозор иктисодиёти ўзгаришларига

кўпроқ таъсирчан бўлади. Шу сабабли, сўнгги йилларда, масалан, АҚШда ҳукумат сиёсати ўртача ташкилотларга субсидиялар ажратишга кенг йўналтирилган.

Йирик ташкилотлар, аксинча, инерт ҳисобланади. Улар бозор талаблари ва истеъмолчи эҳтиёжларига секин эътибор берадилар. Улар камдан - кам пайтларда ўз иш фаолиятини ўзгартирадилар, шу билан бирга улар етарли даражада ўз капиталига эга бўладилар ва салбий иқтисодий ҳолатларни осонроқ ўтказадилар. Шу билан бир вақтда, битта йирик миқдордаги кредитлар банкнинг инқирозга учрашининг асосий сабаби ҳисобланади.

Ташқи рисклар.

Ташқи рисклар макро муҳит даражасида юзага келади. Улар банк фаолияти билан бевосита боғлиқ эмас. Ташқи рисклар даражасига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Улар орасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва табиий - иқлим рискларини алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур. У урушлар, революция, миллийлаштириш, четга тўловларни тақиқлаш, қарзларни консолидациялаш, импортга лицензияни бекор қилиш, табиий офатлар натижасида юзага келадиган йўқотишларни ўзига жамлайди. Ташқи рискларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар банк фаолияти натижаларига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир кўрсатиши мумкин. Бу банк олдида пул мажбуриятларига эга бўлган хўжалик субъектларининг ушбу рискка алоқадорлиги ва муносабатига боғлиқ. Ташқи рисклар орасида кўпинча таъсир даражаси боғлиқлигига кўра сиёсий рисклар, иқтисодий рисклар ва табиий-иқлим рисклари ажратиб кўрсатилади. Сиёсий рисклар мамлакатдаги сиёсий вазият ва давлатнинг фаолияти билан боғлиқ. Иқтисодий рисклар мамлакатдаги умумий иқтисодий вазиятдан келиб чиқади.

Мамлакат rischi.

Мамлакат rischi халқаро банк амалиётида ва банк ташкилотлари қўшма банклар фаолиятида пул оқими, кредит ва ҳисоб операциялари соҳасида

бўлган рисклар билан бевосита боғлиқ. Бу рискларнинг бўлиши ва уларнинг даражаси эса импортёр ёки экспортёр давлатлар ёки контрагент мамлакатлардаги сиёсий - иқтисодий барқарорликка боғлиқ. Ҳар бир мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорликка асосланиб, шу мамлакатдаги риск даражасини баҳолай олиш чет эл капитали иштирокида ташкил топган қўшма банклар ва бош лицензияга эга бўлган банк ташкилотлари учун долзарбдир. Банк амалиётида унинг раҳбарияти чет эл контрагентларининг молиявий барқарорлигига нотўғри баҳо бериш натижасида анча хатоларга йўл қўядилар. Шунинг учун бирор давлат билан узвий иқтисодий алоқани ўрнатишда, айниқса кредит ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ муносабатларни олиб боришда, ундаги иқтисодий - сиёсий барқарорликни таҳлил қилиб риск даражасини аниқлаш лозим.

Мамлакат рискинни конвертрланган рисклар, трансферт рисклари ёки маратория тўловлари бўйича рискларга туркумлаш мумкин.

Мамлакат рискинни прогноз қилиш давлат қурилмасининг таркиби ва сифат даражаларини таҳлил қилишга, шунингдек амалий маълумотлар ва нисбатларни ўрганишга асосланган миқдор кўрсаткичларига таяниши керак. The Economist журнали тадқиқот гуруҳининг ҳар йили турли мамлакатлар иқтисодиётини инвестициялаш рискинни қиёсий баҳосини нашр этади¹². Маълумотлар 27 омиллар бўйича (сиёсий барқарорлик, иқтисодий сиёсат, ЯММ ўсиши ва бошқалар) жаҳон мамлакатлари бўйича ҳисобланиб, максимал риск -100% олинади.

Валюта рисклари.

Валюта рисқи ёки курс йўқотишлари рисқи банк операциялари бозорини байналминаллиги, трансмиллий (қўшма) корхоналар, банк ташкилотлари ташкил этиш ва улар фаолиятини диверсификацияси билан

¹² Remarks by Vice Chairman Roger W. Ferguson, Jr. At. Washington and Lee University, «Back to the Future in Managing Banking Risk», Lexington, Virginia March 4. 2002.

боғлиқ ҳамда валюта курсларининг тебраниши натижасида пул маблағлари йўқотилиши эҳтимоллиги билан ифодаланади.

Активларни бошқариш бевосита молиявий рискларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Даромадлар ва харажатлар фарқи сифатидаги банк маржаси ёки спредни кўпайтириш ва сақлаб қолиш. Одатда ушбу масала «арзон» ресурслар жалб этилиши ва уларни нисбатан қимматроқ фоизлар устидан жойлаштирилиши орқали ҳал қилинади. Кам харажатли ресурсларга талаб қилгунча бўлган мажбуриятларни мисол сифатида кўрсатишимиз мумкин. Мазкур кўринишдаги ташкил этувчининг пассивлар таркибидаги салмоғининг ўсиб бориши банк фоизли харажатларини камайтиради. Шу билан бирга, талаб қилиб олингунча депозитларини яқин ва узоқ келажакдаги ҳажмини билиш қийинчилик туғдирмайди ҳамда банк ресурсларидаги уларнинг юқори салмоғи ликвидлиликини камайтиради.

2. Банк юқори ликвидлигининг сақланишига эса қимматли қоғозлар, банклараро кредитларга маблағлар қўйилишини иложи борица кўпайтириш ҳамда касса ва вакиллик ҳисобварақларидаги қолдиқларини ошириш орқали эришилади. Ўз навбатида, касса ва вакиллик ҳисобварақларидаги қолдиқлар фойдани камайтиради, чунки улар даромад келтирмайдиган активлар қаторига киради. Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда ушбу масаланинг моҳияти бир - бирига қарама - қарши бўлган талабларнинг ўзаро муносаббатлигини таъминлашдан иборат.

3. Кредит ресурсларининг таваккалчилик ҳамда даромадлилик даражаси, ссудалар қайтимининг таъминот турига қараб жойлаштиришни бошқаришда ҳар бир гуруҳ кредитларни банкнинг умумий кредит қўйилмалардаги салмоғи ҳамда кредит сиёсатида мувофиқ равишда ўзгаришини аниқланиши муҳимдир.

4. Фоиз ставкалари ўзгариши рискдан ҳимояланишни ҳал қилиш учун баланснинг актив ҳамда пассив қисмларига алоқадор ва фоиз ставкалари ўзгаришига мойил бўлган кредит портфелини ташкил этувчиларига эътибор

каратиш лозим. Кредит ва қимматли қоғозлар бўйича даромадларни қарзга олинган маблағлар бўйича фоизли харажатлар камайишига нисбатан тез камайиб кетиши шароитида рискларни камайтиришнинг эҳтимолли йўллари ишлаб чиқиш талаб этилади.

5. Фоиз ставкалари ўзгаришига таъсирчан активлар ва фоиз ставкалари ўзгаришига таъсирчан пасивлар ўртасидаги мувозанатни сақлаб туриш замирида фоиз ставкаларни кўтариш ва пасайтириш, узоқ муддатли ва қисқа муддатли фоиз ставкалари орасидаги нисбатни ўзгартириш каби функциялар ётади, чунки банк пасивларининг кўп қисми қисқа муддатли, активларининг катта салмоғи эса сўндирилиши узоқ муддатларга эгадир.

Ликвидлилик рискинни бошқариш актив операциялар нуқтаи назаридан ликвидли активларни сотишга, масалан қимматли қоғозларга пасив операциялар нуқтаи назаридан тезлик билан янги манбалардан маблағларни жалб қилишдир. Ликвидлиликни бошқаришда активлар ва пасивлар ўртасидаги муносиблик муҳим роль ўйнайди.

Фоиз ставкалари ўзгариши рискинни бошқариш бир қатор услублар билан назорат қилинади. Уларнинг асосийлардан бири сифатида тафовутларни бошқариш ҳисобланади. Шу билан бирга, бу услуб охирги ўн йилликда фоиз ставкалари ўзгариш рискинни бошқаришнинг асоси бўлиб қолмоқда. Бу турдаги рискнинг таъсирини ўлчаш учун асосий кўрсаткичлар соф фоизли даромади ва унинг соф фоизли маржадир ва улар қуйидагича аниқланади:

$$\text{Соф фоизли даромад} = \text{Фоизли даромад} - \text{Фоизли харажат}$$

$$\text{Соф фоизли маржа} = \frac{\text{Соф фоизли даромад}}{\text{Даромад келтирувчи активлар}}$$

Мамлакатимиз банк амалиётида маржа тушунчасини одатда абсолют бўлмаган нисбий кўрсаткич - спрэд сифатида тушунади. Халқаро миқёсдаги

соф фоиз маржа тушунчаси мазмуни мавжуд банк ишида банкнинг даромад келтирувчи активлар рентабеллилиги коэффицентига тўғри келади.

Бозор rischi фоиз ставкалари ўзгариш rischi билан яқин алоқада. Бу riskни ҳисоблаш актив ва passивларни бошқаришдаги характерли томони шуки, фоиз ставкалари ўзгариши бозордаги муомала тўлов мажбуриятлари баҳосига қарама - қарши таъсир кўрсатади. Қачонки, жорий бозор фоиз ставкалари пасайса, шунга тегишли мажбуриятлар баҳоси ўсади. Бу ҳолат актив ва passивларни бошқариш амалиётини мураккаблаштиради, лекин шу билан бирга фоиз ставкалари ўзгариши банкка салбий оқибатлар таъсиридан компенсациялашнинг янги имкониятларини яратиб беради.

Валюта rischi фақат чет эл валютасидаги пул маблағларига тегишли бўлмай, балки банкнинг чет эл валютасидаги қуйилмалари ва мажбуриятларига ҳам тегишлидир. Банklar балансиде чет эл валютаси миқдори анча салмоқлидир, бу risk ҳисоби активлар ва passивларни бошқариш жараёнини анча мураккаблаштиради.

Тўловга қобилиятсизлик riskини иқтисодий моҳияти нуқтаи назаридан, шунингдек банк назорати нуқтаи назаридан ўрганиш мумкин. Банк харажатлари узоқ муддат давомида банк даромадларидан ошиб кетган тақдирда, банк баланс структурасида қониқарсиз ҳолат пайдо бўлади ва банк капитали камаяди. Бу ҳолат қуйидаги уч асосий иқтисодий сабаб оқибатида рўй беради:

- банк миждозлари оммавий тарзда ўз маблағларини қайтариб олади ва ликвидлилик инқирози вужудга келади;
- кредитлар қайтмаслигини қоплаш харажатлари ошади;
- самарасиз олиб борилган фаолият натижасида банкнинг ўз маблағлари аста - секин камаяди.

Банklar пул маблағларини тўплашга ва уларни кўпроқ иқтисодий самара берадиган лойиҳаларга қўйишга қаратилган ўзига хос хизматларни тақлиф этади. Бироқ охириги ўн йилликда кўпгина мамлакатлар молия бозорларидаги мавжуд қийинчиликлар туфайли банк тизимлари жиддий

қийинчиликларни бошдан кечирмоқдалар.

Республикада банк ресурс базасини доимий равишда янгилаб боришга эришиш учун миждозларнинг банкларга ишончини тобора ошишига ҳамда уларнинг ишончли шерик ва сиёсатларини амалга оширувчи муассаса деб қарашларига эришиш зарур. Республикамиз мустақилликка эришган кундан бошлаб банк тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлаш ва оширишга қаратилган сиёсат олиб борилиши натижасида бир қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Банк тизимини босқичма - босқич ислоҳ қилиб борилиши натижасида банкларнинг миждозларга кўрсатадиган хизмат турлари ва сифати янада ошди ҳамда миждозларнинг банкка қўйиладиган талаблари ҳам янги сифат босқичига кўтарилмоқда. Шу туфайли, банклар миждозларнинг талабларига мослашишга, хилма - хил фаолият турларини тезлик билан жорий этишга, кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада яхшилашга мажбурдирлар. Жаҳоннинг барча етакчи банклари мана шу ҳаётий муҳим мусобақани англаб етдилар ва унда қатнашмоқдалар.

Маркетинг назариясига мувофиқ банклар аҳоли билан олиб борадиган ўз ишларини муҳитни аниқлашдан бошлашлари, яъни хизмат турлари бўғлиқ бўлган асосий омилларни: аҳолининг молиявий ва номолиявий хизматларга бўлган эҳтиёжларини энг самарали тарзда қондириш учун бу хизматларни кимга, қачон ва қаерда таклиф қилиш зарурлигини ўрганишлари керак. Банк миждозларга ўз молиявий хизматларини таклиф этганида, у уларнинг қандай муаммоларини ҳал қилиб беради, деган саволга жавоб бериш зарур. Чунки миждозларнинг анъанавий бўлиб қолган хизматларга қизиқиши аста - секин камаяди. Бунга пулнинг қадрсизланиши ҳамда аҳолининг маҳаллий банклар таклиф қилаётган хизматлар хорижий банклар таклиф қилаётган хизматларга қараганда жуда кам эканлигидан хабардорлиги таъсир кўрсатади.

Аҳолининг ишончи ва қизиқишини рағбатлантириш, кафолатни ҳамда ўз маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини таъминлаш, хизматлар сифатини яхшилаш - банк амалий шерик сифатида муваффақиятли иш олиб боришининг шартидир.

Хулоса қилиб айтганда, актив ва пасивларни бошқаришнинг самарадорлигини белгиловчи омиллар турлича бўлиб, ушбу таъсир этувчи омиллар моҳиятини англаш ва самарали бошқарувни ташкил этиш банк фаолияти якуний натижаларини белгилаб беради.

1.2. Тижорат банклари активларининг туркумланиши ва уларни бошқариш бўйича хориж тажрибаси

Тижорат банклари активлари даромадлилик, ликвидлилик ва рисклилик даражасига кўра туркумланади. Хар учаласи ҳам халқаро амалиётда энг асосий баҳолаш параметрларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тижорат банклари асосан ўзидаги мавжуд активларидан оқилона фойдаланган ҳолда кам йўқотишлар орқали юқори даромад олишга ҳаракат қилади. Лекин даромад олишга йўналтирилган ҳар қандай актив ўзининг ликвидлилик ва рисклилик нуқтаи назаридан тескари мутаносибада бўлади, яъни активларни даромад олишга йўналтирилиши бу ўз навбатида уни рисклилик даражаси, яъни ушбу активлардан йўқотишлар эҳтимоли юқорилашиб бориши ва унинг ликвидлиги тушиб бориш характериға эға. Даромадлилик даражаси бўйича юқоридаги активларни биз икки гуруҳға, яъни даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларға туркумлашимиз мумкин.

Даромад келтирувчи активларға асосан қимматли қогозларға ёки дебиторлик учун қилинган инвестициялар, кредитлар, лизинг хизматлари, сотиб олинган векселлар, тратта, акредитивлар, тўланмаган акцептлар бўйича мажбуриятлари, форфейтинг, траст хизматлари учун йўналтирилган активлар киради. Буларнинг ичида энг юқори ва асосий даромад келтирувчи активлар булар кредит қўйилмалари учун йўналтирилган активлар ҳисобланади.

Қолган барча активлар, яъни кассали активлар, асосий воситалар, номоддий ва бошка активлар эса даромад келтирмайдиган актив сифатида туркумланади.

Тижорат банкларининг асосий пировард мақсади кам йўқотишлар билан юқори даромад олиш бўлганлиги учун активлар таркибида даромад келтирувчи активлар салмоғини ошириб (камида 65-70 фоиз) бориш талаб қилинади. Бу ерда энг асосий масала шундаки тижорат банклари ўз фаолиятида активларни шундай бошқариш лозимки, ликвидлиликини ушлаб туриш учун жами активлар таркибида етарли миқдорда ликвид, яъни даромад келтирмайдиган активларни улушини сақлаб турган ҳолда асосан даромад келтирувчи активлар улушида юқори салмоққа эга бўлган кредит қўйилмаларига, уларнинг фоиз ставкалари (банкнинг маржасига), муддатига ва қайтиши (сўндирилиши) билан боғлиқ таъминланганлигига эътибор бериш керак. Паст фоиз ставкада, қоплаш давридан узоқ муддатга, қайтариш таъминот етарли бўлмаган ҳолда кредит қўйилмаларига банк активларини йўналтирилиши бу гарчи жами активлар таркибида даромад келтирувчи активлар улушини ортишига олиб келсада, лекин иккинчи томондан банкларни ликвидлигининг тушишига, рискка тортилган активларнинг ортишига, натижада ушбу активлар келгусида даромад келтирмайдиган активларга (суд жараёнидаги ёки банк балансига олинган мулклар) таркибига кириш эҳтимоли юқори бўлади. Шунинг учун тижорат банклари кредит портфели сифати, унинг даромадлиги, тармоқ йўналиши, диверсификацияси, муддатлари ва таъминотларига катта эътибор беришлари, назорат қилишлари ва доимий уларни баҳолаб, таҳлил қилиб, зарур ҳолатларда чора - тадбирларни ишлаб чиқишлари лозим бўлади. Шунинг учун даромад келтирувчи активлар улушида кредит қўйилмаларидан олинаётган даромадли активлари қанча улушга эга, уларнинг қайси маблағлар (жалб қилинган ёки ўз маблағлар) ҳисобидан шаклланганлиги, даромад келтирмайдиган активларга айланиш тенденцияси каби муҳим бир қатор кўрсаткичлар таҳлил қилиб борилади.

Активлар ўз навбатида ликвидлилигига қараб ҳам туркумланади. Ликвидлилиқ тушунчаси бу қисқача қилиб айтганда кам йўқотишлар билан, қисқа муддатда реализация қилиниб, пул маблағларга айланиб ўз

мажбуриятларини қоплаш тушунилади. Ликвидлилик нуктаи назаридан активларни юқори, ўрта ва паст ликвидли активларга ажратиш мумкин.

Юқори ликвидли активларга кассали активлар, яъни кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари, Марказий банкда очилган ҳисобварақдаги маблағлари (ностро), бошқа банклардаги маблағлар (ностро) ва вакиллик ҳисобракамлардаги маблағлар киради.

Ўрта ликвидли активларга норезидент банклардаги миллий ва хорижий валютадаги маблағлар, конвертация қилинган маблағлар киради.

Паст ликвидлилик активларга эса кредитлар (ҳукумат кафолати ва қимматли қоғозлари гаровлар асосида берилган кредитлардан ташқари-булар муддатига қараб юқори ёки паст ликвидли активлар гуруҳига киртилиши мумкин) жойлаштирилган депозитлар, қимматли металллар учун маблағлар, бир йилдан ортиқ муддатга берилган кафолат ва топшириқномаларнинг 50 фоизи) суд жараёнидаги кредитлар, асосий воситалар ва бошқа активлар киритилади.

Тижорат банклари ликвидлиликни сақлаш, яъни қисқа муддатлардаги мажбурият ёки йўқотишлар учун ликвидли активлар улушида гарчи даромад келтирмасда камида 25-30 фоизини юқори ликвидли активлар таркибида ушлаб туриш тавсия этилади. Сабаби миждозлар олдидаги талаб қилиб олингунга қадар депозит маблағлар (мажбуриятлар)ни нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда тўлиқ қондиришлари ёки бошқа қисқа муддатларда кўрилиши мумкин бўлган кафолат ёки мажбуриятларни ўз вақтида қоплаш зарур ҳисобланади.

Рисклилик даражасига кўра активлар: рискка тортилмайдиган (0 фоиз) ва рискка тортиладиган (20%, 50% ва 100%) активларга туркумланади. Активларнинг рисклилик даражасига фоизлар белгиланиши уларнинг актив операцияларида қатнашиш ёки фаолият жараёнида йўқотишлар мумкин бўлган хавфдан келиб чиқиб ўрнатилган. Қанчалик ликвидлиликни йўқотиб бориш оркали даромад келтириш учун йўналтирилган активларнинг шунчалик рисклилик даражаси ҳам мутаносиб тарзда ортиб боради:

- рискка тортилмайдиган активларга, яъни риск даражаси 0 фоиз қилиб белгиланган активларга қассали активлар (миллий ва чет эл валютасида сақланаётган нақд пуллар, Марказий банкдаги захира ва вакиллик ҳисобракамидаги маблағлар, ҳукумат ва Марказий банкнинг қимматли қоғозларига қилинган, иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ва уларнинг Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларига киритилган маблағлар) киради;

- рискка тортиладиган активларга, жумладан 20 фоиз рискка тортиладиган активларга эса ривожланган банклар, трансмиллий корпорацияларга қилинган инвестициялар киради;

- 50 фоиз рискка тортиладиган активларга олдиндан камида 25 фоиз бадал тўлови тўланган шунингдек кредит таъминоти учун кредит ҳисобига сотиб олинаётган уй - жой гарови шарти асосида жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитлари ҳамда маҳаллий қимматли қоғозларга киритилган маблағлар киради.

- 100 фоизли рискка тортилган активларга эса қолган барча кредитлар, асосий воситалар ва бошқа активлар киради.

50 ва 100 фоиз риска тортилган активларнинг деярли 95 фоизини кредит қўйилмалари ташкил қилганлиги учун ушбу активлар сифатини таснифлаш ва келгусида ушбу ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларга қарши захиралар ажратиб бориш бўйича Марказий банк томонидан талаблар ўрнатилган. Сабаби ушбу кредит қўйилмалардан келгусида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун ушбу ссудаларни таснифлаб чиқиш, ликвидлиликни бир маромда сақлаш учун уларга ўз вақтида таснифланган характерида кўра (яхши – 0%, стандарт – 10%, субстандарт – 25%, шубхали – 50% ва умидсиз – 100%) захиралар ажратиб бориш, зарарлар учун мажбурий харажатларни тақсимлаб бориш белгиланган.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида молия бозорлари заиф ривожланган бўлиб, бу ҳолат тижорат банклари активларини бошқариш ва уларнинг сифатини оширишга салбий таъсир кўрсатади.

Масалан, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги тижорат банклари активларининг бир қисмини юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳисобидан шакллантириш имконини бермайди. Миллий пул бозорининг ривожланмаганлигининг банклар ликвидлилигига таъсири хусусида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Кассали активлар мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг ўзгаришига, молия бозорларининг сегментларидаги ўзгаришларга нисбатан сезиларли даражада таъсирчан бўлган активлар ҳисобланади.

Одатда, мамлакатда иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви ва иқтисодий инқирознинг юз бериши кассали активларга бўлган талабнинг кескин ортишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг балансида кассали активларнинг салмоғини доимий тарзда тебранишига ва кўпчилик ҳолларда уларнинг етишмаслигига олиб келади. Бундан ташқари, миллий валютанинг қадрсизланиши хорижий валюталардаги “Ностро” вакиллик ҳисобварақлари қолдиқларининг номинал қийматининг ўсишига, миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобварақлари қолдиқларининг реал қийматининг пасайишига олиб келади. Бу эса кассали активларнинг тижорат банклари балансининг ликвидлилигини таъминлашдаги мавқеининг пасайишига олиб келади.

Тижорат банклари активларининг ликвидлилик даражасига кўра иккинчи гуруҳини уларнинг қимматли қоғозларга қилган инвестициялари эгаллайди. Банклар томонидан қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар Франция тижорат банкларида 16,2 %ни, Германияда - 15,5 %ни, Италияда - 23,8 %ни, Буюк Британияда - 7,8 %ни, Испанияда - 23,8 %ни, АҚШда - 20,2 %ни, Бельгияда - 6,4 %ни ва Японияда - 10,2 %ни фоизни ташкил қилади¹³. Демак, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг юқори салмоғи

¹³ Под ред. проф. О.И.Лаврушина. Банковское дело.-М.: КНОРУС, 2008 г.- С. 303

Испания ва Италияда кузатилади. Нисбатан жуда паст салмоқ Бельгия, Буюк Британия тижорат банкларига хосдир.

Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган қўйилмаларнинг банк активлари умумий ҳажмидаги салмоғи Испания тижорат банкларида 10,2 фоизни, Франция тижорат банкларида 9,4 фоизни, Италия тижорат банкларида 5,3 фоизни, АҚШ тижорат банкларида эса 18 фоизни ташкил этади. Векселлар билан боғлиқ операцияларнинг юқори салмоғи Испания (12,8%), Италия (5,8%) ва Бельгия (4,7%), тижорат банкларида кузатилади. Ҳиссали иштирок шаклидаги инвестицияларнинг банк активлари ҳажмидаги юқори салмоғи Германия тижорат банкларида кузатилади (4,0 %) ¹⁴.

Ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган банк инвестицияларини юқори салмоққа эга эканлигининг асосий сабаблари, фикримизча, қуйидагилардан иборатдир:

а) ҳукуматнинг қимматли қоғозлари юқори ликвидлилик хусусиятига эга. Чунки уларга нисбатан қимматли қоғозлар бозорида доимий характерга эга бўлган барқарор талаб мавжуд. Бу эса, ҳукуматнинг қимматли қоғозлари ҳисобидан тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш имконини беради;

б) ҳукуматнинг қимматли қоғозлари қатъий белгиланган фоизда банкка даромад келтиради. Демак, улар банкнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш имконини беради, бу эса, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартидир;

в) ҳукуматнинг қимматли қоғозлари йирик миқдорда эмиссия қилинган. Масалан, АҚШ, Германия давлатларида қимматли қоғозларнинг эмитентлари таркибида ҳукумат эмиссия миқдорида кўра биринчи ўринни эгаллайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган тушум Давлат бюджети харажатларини молиялаштиришнинг ноинфляцион усули ҳисобланади.

¹⁴ М. Zantov. Kredit Policy. - RBTC, Tashkent, 1998. - p. 18.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадик, ривожланган хорижий давлатларда тижорат банклари қимматли қоғозлар портфелида векселлар билан боғлиқ активлар юқори салмоқни эгаллайди. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, тижорат векселлари индоссамент орқали бир субъектдан иккинчи субъектга узатилиш хусусиятига эга. Бу эса, уларни тўлов воситаси сифатидаги ролини ошишига олиб келади. Иккинчидан, тижорат банклари векселни ўзларида дисконт ставкаси бўйича ҳисобга олиш йўли билан реал даромад оладилар. Бундан ташқари, тижорат банклари ҳисобга олинган векселларни Марказий банкка қайта ҳисобга олдириш йўли билан Марказий банк кредитларини олиш имконига эга бўладилар.

Ҳиссали иштирок шаклидаги банк инвестициялари Германия ва Япония тижорат банклари амалиётида кенг ривожланган. Ушбу мамлакатларнинг тижорат банклари мижозларининг устав капиталида иштирок этиш йўли билан улар фаолиятини бошқариш жараёнларига таъсир этишни ўз фаолиятларининг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблайдилар. Айтиш керакки, шуни эътироф этиш лозимки, инвестициялар ичида риск даражаси энг юқори бўлган инвестиция шакли ҳиссали иштирок шаклидаги инвестиция ҳисобланади. Чунки оддий акцияларга дивиденд соф фойда ҳисобидан тўланади. Соф фойда эса барча харажатлар молиялаштирилгандан сўнг ҳосил бўлади.

Демак, ривожланган хорижий давлатларда тижорат банкларида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг асосий қисми ҳукуматнинг ва корпорацияларнинг тижорат қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларига тўғри келади.

Барча ривожланган хорижий давлатларда кредитлар, активларнинг ликвидлилик даражасини пасайиш таъминоти кўра, учинчи гуруҳга мансуб бўлган активлар ҳисобланади. Аммо улар активларнинг умумий ҳажмидаги салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди. Бунинг боиси шундаки, кредитлаш билан боғлиқ операциялар тижорат банклари актив операцияларининг асосий тури бўлиб қолмоқда. Масалан, XX асрнинг 80 -

йилларининг охири ва 90 - йилларининг бошларида АҚШ тижорат банкларининг кредитлаш операциялари уларнинг актив операцияларининг 60 фоизини ташкил қилди. Бу кўрсаткич Францияда 65,6 фоизни, ГФРда 53,0 фоизни, Италияда 48,7 фоизни, Голландияда 47,1 фоизни, Данияда 56,0 фоизни, Испанияда 66,4 фоизни, Англияда 63,5 фоизни ташкил қилди¹⁵. Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда хорижий банклар амалиётида жисмоний шахсларга бериладиган ссуда операциялари ҳажми ўсиб бормоқда. Масалан, Франция ва Германияда бундай ссудалар миқдори корхона ва ташкилотлар оладиган ссудалар миқдори билан тенглашди, АҚШда эса бундай ссудалар миқдорига кўра биринчи ўринга чиқди¹⁶.

Тижорат банклари активларини шакллантиришда уларнинг рисклилиқ даражасини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Базель стандартига кўра, тижорат банкларининг активлари тўрт риск даражаси бўйича риска тортилади: 0 %; 20 %; 50 %; 100%.

0 % риск даражасига эга бўлган активларга, яъни рисксиз активларга қуйидагилар киради:

- тижорат банкининг кассаларидаги нақд пуллар;
- банкнинг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари;
- Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар;
- тижорат банки томонидан ҳукуматнинг 90 кунгача муддатга чиқарилган қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар (Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар, уларнинг муддатидан қатъий назар, рисксиз актив ҳисобланади);

¹⁵ Жан Матук. Финансовая система Франции и других стран. -М.: АО "Финстатинформ, 1994.-с.29-32

¹⁶ АҚШнинг "СитиКорп", ГФРнинг "Дойче банк", Франциянинг "Сосьети Женерал" банкларининг баланс маълумотларини ўрганиш асосида шундай хулосага келинди.

– ҳукумат ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тўғридан-тўғри талаблар ва бу эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар;

– иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) кирувчи мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек, бу мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банкларига қўйиладиган бошқа талаблар;

– активлар ёки уларнинг ИХТТга кирувчи мамлакатлар миллий валюталарига деноминация қилиниб, нақд пул билан таъминланган ҳамда банкда алоҳида чеклаб қўйилган депозит ҳисобрақамда сақланаётган қисми.

20 % риск даражасига эга бўлган активлар таркибига қуйидагилар киради:

– тижорат банкининг бошқа банклардаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари;

– ҳукуматнинг 90 кундан ортиқ муддатга чиқарилган қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар;

– флоут (инкассация жараёнидаги пул маблағлари);

– ИХТТ мамлакатларида рўйхатдан ўтган банклар ва бошқа депозитар институтларнинг кредитлари, кафолатлари билан таъминланган кредитлар ва бошқа активлар ёки уларнинг қисми;

– банкнинг халқаро кредит ташкилотларига берган кредитлари ва бошқа талаблари, шунингдек, ушбу ташкилотларнинг қимматли қоғозлари билан таъминланган талаблар.

50 % риск даражасига эга бўлган активларга қуйидагилар киради:

– ипотека кредитлари;

– ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтларга нисбатан талаблар, шу жумладан, қарзлар ва пул бозори воситалари;

– ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтларнинг кредитлари билан таъминланган бошқа барча активлар;

– банкнинг ИХТТ давлатлари маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан талаблари, шунингдек, улар томонидан кафолатланган банк активлари. Бу талаблар ва кафолатлар бўйича тўловлар алоҳида лойиҳалар бўйича тушумлардан эмас, балки юқорида кўрсатилган ташкилотлар бюджети ҳисобидан амалга оширилади;

– банкнинг халқаро кредит ташкилотларига нисбатан талаблари, шунингдек, бу ташкилотлар томонидан кафолатланган банк активлари;

– жорий бозор қийматида баҳоланган ва халқаро кредит ташкилотлари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар билан таъминланган активлар ва уларнинг қисмлари;

– банкнинг ИХТТга аъзо бўлмаган мамлакатларнинг миллий валюталарига деноминация қилинган ва миллий валютадаги мажбуриятлар билан қопланган, ИХТТга аъзо бўлмаган давлатлар Марказий Ҳукуматлари ва марказий банкларига нисбатан талаблари. Миллий валютага деноминация қилинмаган ва миллий валютада молиялаштириш суммасидан ошиб кетган активлар қисми риск даражаси юқори (100 фоиз) бўлган активлар қаторига киритилади.

Тижорат банкларининг 100 % риск даражасига эга бўлган активларига қуйидагилар киради:

- корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар;
- миқозларга берилган кредитлар;
- асосий воситалар;
- бошқа активлар.

Қуйидаги балансдан ташқари активлар юқори рискли, яъни риск даражаси 100 фоизга тенг бўлган активлар ҳисобланади:

- банк томонидан миқозларнинг фойдасига очилган таъминланмаган аккредитивлар;
- банк томонидан берилган кафолатлар;
- форвард трансакциялари;
- банк томонидан берилган опционлар ва фьючерслар.

1.3. Биринчи боб бўйича хулоса

Тадқиқот ишининг биринчи бобини ёритиш жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- иқтисодчи олим В. Усоскин ўзининг илмий изланишларида тижорат банклари активларининг асосий турлари бўлган кредитлар ва кассали активларнинг сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор берган. В.Усоскин кредит портфелини сифатини ошириш мақсадида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштиришни, кредит портфелини шакллантиришда диверсификация принципига қаттиқ риоя этишни таклиф қилади;

- Н. Соколинская активларни бошқариш ва сифатини оширишда асосий эътибор уларнинг даромадлилиги ва ликвидлилигига қаратилиши лозим деб ҳисоблайди;

- Э. Доланнинг кассали активларнинг юқори даражадаги ликвидлилиги хусусидаги фикри жуда ўринли, аммо инкассация жараёнидаги пул маблағларини юқорли ликвидли активлар сифатида эътироф этиш масаласида, табақавий ёндашув бўлиши керак деб ҳисоблаймиз. Чунки, тижорат банки томонидан қабул қилиб олинган ва бошқа тижорат банкларига тўлов учун жўнатилган пулли ҳужжатлар юз фоиз тўланмайди. Уларнинг айримлари ҳатто умуман тўланмаслиги мумкин;

- К. Барлтроп ва Д. МакНотонлар юқори ликвидли активлар таркибига кассали активлардан ташқари тижорат банкларининг балансидаги Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталарни ҳам киритади;

- проф. О. И. Лаврушиннинг фикрига кўра, тижорат банкларининг ликвидли активлари ўз ичига кассадаги нақд пулларни, тижорат банкининг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғини, тижорат банкининг бошқа банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларининг қолдиқларини ва йўлдаги пулларни олади;

- тижорат банклари активларини бошқариш ва уларнинг сифатини ошириш, ликвидлилиги ва даромадлилиги ўртасидаги оқилона нисбатни таъминлашни тақозо этади. Шунинг учун тижорат банклари активларини шакллантиришда таниқли иқтисодчи олимларнинг тижорат банклари активларини шакллантириш ва бошқариш хусусидаги илмий хулосалари ва тавсияларидан фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этади;

- тижорат банкларининг асосий пировард мақсади кам йўқотишлар билан юқори даромад олиш бўлганлиги учун активлар таркибида даромад келтирувчи активлар салмоғини ошириб (камида 65-70 фоиз) бориш талаб қилинади;

- барча ривожланган хорижий давлатларда кредитлар, активларнинг ликвидлилик даражасининг пасайиш тамойилига кўра, учинчи гуруҳга мансуб бўлган активлар ҳисобланади. Аммо улар активларнинг умумий ҳажмидаги салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди. Бунинг боиси шундаки, кредитлаш билан боғлиқ операциялар тижорат банклари актив операцияларининг асосий тури бўлиб қолмоқда.

2-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИНГ ДИНАМИКАСИ ВА ДАРОМАДЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг динамикаси ва замонавий ҳолати

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркибини оптималлаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, илмий хулосаларни шакллантириш активларнинг амалдаги таркибини уларнинг ликвидлилиги, даромадлилиги ва рисклилиги жиҳатидан баҳолашни тақозо этади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикаимиз тижорат банклари активларининг таркибига баҳо берамиз.

2.1.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркиби¹⁷,
(фоиз ҳисобида)**

АКТИВЛАР		Йиллар				
		2009	2010	2011	2012	2013
1.	Нақд пуллар ва бошқа хил касса ҳужжатлари	2,97	2,38	2,98	2,99	2,42
2.	ЎЗР МБдаги пул маблағлари	21,11	20,87	15,74	16,69	14,42
3.	Бошқа банклардаги маблағлар	13,20	13,82	17,31	17,99	16,31
4.	Қимматли қоғозлар, соф ҳолда	0,42	0,39	0,43	0,10	0,14
5.	Инвестициялар	1,68	3,04	2,71	2,44	2,49
6.	Қайта сотиш шarti билан сотиб олинган қимматли қоғозлар	0,08	0,04	0,03	0,02	0
7.	Ссуда ва лизинг операциялари, соф ҳолда	51,68	48,43	50,25	50,28	56,22
8.	Молиявий инструментлар бўйича мижозларнинг мажбуриятлари	0,90	2,16	2,31	1,55	1,11
9.	Асосий воситалар, соф ҳолда	3,33	3,22	3,27	3,28	3,07
10.	Ҳисобланган фоизлар бўйича маблағлар	0,65	0,65	0,61	0,62	0,59
11.	Бошқа активлар	3,98	5,00	4,36	4,04	3,23
Жами активлар		100,00	100,00	100,00	100,0	100,0

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2.1.1-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2009-2013 йилларда республикамиз тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра кредитлар биринчи ўринни эгаллайди. Бу эса, кредитлаш банклар учун асосий фаолият тури эканлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари таркибида таъкидлаб ўтганимиздек, ссуда ва лизинг операциялари салмоғи катта бўлиб, 2010 йилда бу кўрсаткич 48,43%ни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 50,25% ва 2012 йилда 50,28%ни ҳамда 2013 йилда эса 56,22%ни ташкил этмоқда. Ушбу операциялар миқдори 2009 йилга нисбатан 2013 йилда 4,54%га ўсган.

Тижорат банклари активларининг таркибида кейинги ўринларда ЎзР Марказий банкидаги ва бошқа тижорат банкларидаги маблағлар эгаллаб турмоқда. ЎзР Марказий банкидаги маблағлар 2009 йилда жами активларга нисбатан 21,11%ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич камайиб, жами активларга нисбатан 14,42%ни ташкил этган. 2012 йилда эса 16,69%ни ташкил этган. Бошқа банклардаги маблағлар эса, аксинча 2009 йилда жами активларга нисбатан 13,20%ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда уларнинг салмоғи кўпайиб, 16,31%ни ташкил этган. 2012 йилда эса 17,99%ни ташкил этган. Тижорат банклари активларининг таркибида ссуда операциялари салмоғидан кейинги ўринда ЎзР Марказий банкидаги ва бошқа тижорат банкларидаги маблағлар эгаллашининг асосий сабаблари Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан мажбурий захира ставкаси асосида ЎзР Марказий банкида захиралар ажратиб бориш лозимлиги бўйича талабларнинг мавжудлиги ҳамда бугунги кунда Ўзбекистонда банклараро ресурслар бозорининг ривожланиб бораётганлиги ва ҳ.к.

Мамлакатимиз банкларининг барқарор мавқеи банк тизимида бўлган ишончининг, хусусан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк депозитларида сақланаётган бўш пул маблағлари ҳажмининг барқарор юқори суръатларда ошиб боришига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банкларидаги депозитларининг умумий ҳажми 2013

йил бошига нисбатан 30,2%га ортиб, 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра, 26,1 трлн. сўмга етди.

Шунингдек, банкларда узоқ муддатли ресурс базасини шакллантириш борасидаги чора - тадбирлар доирасида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилишдаги молиявий воситалардан бири ҳисобланган банк қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ишлари ҳам жадаллаштирилди.

2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар орасида жойлаштирилган тижорат банкларининг депозит ва жамғарма сертификатлари 592 млрд. сўмни, шунингдек, инвесторлар орасида жойлаштирилган тижорат банкларининг узоқ муддатли облигациялари 330 млрд. сўмни ташкил этди.¹⁸

2.1.2-жадвал

Банк секторининг кредит операциялари бўйича асосий кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида)¹⁹

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2009	2010	2011	2012	2013
1. Кредит портфели-жами	100,00	100,00	100,00	100,00	100,00
2. Номолиявий ташкилот ва корхоналарга берилган кредитлар	83,89	82,88	82,97	82,03	80,03
3. Бошқа банкларга берилган кредитлар	0,02	0,01	0,00	0,00	0,01
4. Давлат ташкилотларига берилган кредитлар	0,001	0,00	0,00	0,00	0,00
5. Жисмоний шахсларга берилган кредитлар	16,08	17,11	17,03	17,97	19,96

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кредит портфелида номолиявий ташкилот ва корхоналарга берилган кредитлар пасайиш тенденциясига эга бўлган. 2009 йилда номолиявий ташкилот ва корхоналарга берилган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғи 83,89 фоизни ташкил

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “2013 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари” маълумотлари.

¹⁹ “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг йил якунларига доир ҳисобот материаллари асосида ҳисобланди.

этган бўлса, бу кўрсаткич 2013 йилда 80,03 фоизни ташкил этиб, 3,86 фоизга камайган. Бунинг асосий сабабларидан бири тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга берилган кредитлар салмоғининг йиллар мобайнида ўсиб бораётганлиги билан изоҳланади. Аниқроқ қилиб айтганда, бу кўрсаткич бугунги кунда жисмоний шахслар томонидан истеъмол, ипотека ва бошқа каби кредитларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигини билдиради.

Тижорат банклари кредит портфели таркибида давлат ташкилотларига ва бошқа банкларга берилган кредитлар салмоғи деярли 0%ни ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида ушбу соҳага катта аҳамият бериш ва айнан шу соҳага берилган кредитлар бошқа соҳаларга қараганда янада ишончли эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бир қаторда, бу кўрсаткичлар салмоғининг кичик бўлиши бугунги кунда республикамизда банклараро ресурслар бозорини ҳам ривожлантириш долзарб масалалардан бири эканлигини англатади.

2.1.3-жадвал

Тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қўйилмалари.²⁰

	2009й.		2010й.		2011й.		2012й.		2013й.	
	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%
Жами қўйилмалар	226,84	100	484,52	100	590,8	100	661,9	100	858,9	100
<i>шундан:</i>										
савдо портфели	46,76	20,61	55,52	11,46	82,9	14,04	25,5	3,85	47,2	5,50
инвестиция портфели	180,08	79,39	428,99	88,54	507,9	85,96	636,5	96,15	811,6	94,50

2009-2013 йилларда тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қўйилмалари портфелида таркибий ўзгаришлар юз берди. 2013 йил якунларига кўра, тижорат банкларининг инвестиция қўйилмалари жами портфелнинг 94,50 %ни ташкил этди. Бундай ўзгаришнинг юзага келишига асосий сабаб фонд бозорида давлат қимматли қоғозлари таклифининг

²⁰“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг йил якунларига доир ҳисобот материаллари асосида ҳисобланди.

пасайганлиги ва тижорат банкларининг иқтисодиётнинг турли тармоқларида янги корхона ва ташкилотларни ташкил этишда фаол иштирок этиши билан изохланади. Умуман олганда, тижорат банкларини қимматли қоғозларга қўйилмалари ўсиш суръатида бўлиб, 2013 йил якунига кўра, 858,9 млрд.сўмни ташкил этди. 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич қарийб 4 баробар ортган.

Кредитлаш амалиётининг тижорат банклари фаолиятида тутган ўрнини баҳолашда кредит қўйилмаларининг ЯИМдаги салмоғини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

2.1.4-жадвал

Республикамиз тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси²¹

Кўрсаткичлар	01.01.2010	01.01.2011	01.01.2012	01.01.2013	01.01.2014	2014 йил 1 январда 2009 йил 1 январга нисбатан ўзгариши
ЯИМ (трлн.сўм)	48,9	61,8	77,8	96,6	119,0	70,1
Кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати (фоиз ҳисобида)	17,8	18,9	20,1	21,3	22,3	4,5

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2009-2013 йиллар мобайнида кредит қўйилмалари ва унинг ЯИМдаги салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу албатта ижобий ҳолат бўлиб, иқтисодиётимизни ривожлантиришда кредитларнинг салмоғи юқорилигидан ва уларнинг ҳиссаси йилдан йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Шу билан бир каторда тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни амалда қўллаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1. Кредит сиёсатида уларни жойлаштиришнинг тармоқ лимитларини ўрнатиш.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2. Республикамиз тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражаси оширилиши лозим.

Агар тижорат банки кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисми битта тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланиши банкнинг кредит портфелининг диверсификация даражаси паст эканлигидан, банк фаолиятидаги кредит rischi кучайганлигидан далолат беради.

3. Тижорат банклари кредит бўлинмалари ходимларининг корхоналар молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш борасидаги билими ва тажрибаларини ошириш чораларини кўриш лозим.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали ОАИТБ “Ипак Йўли” банкининг активлари ва уларнинг кредитларнинг улушини таҳлил қиламиз.

2.1.5-жадвал

ОАИТБ “Ипак Йўли” банки активлари кўрсаткичлари²²

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Умумий активлар, млрд.сўм	522,6	638,8	816,5	1014,5
Кредит портфели, млрд.сўм	185,2	273,9	333,9	423,5
Кредитларнинг активлардаги улуши, фоиз ҳисобида	35,4	42,9	40,9	41,7

Юқоридаги жадвал маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, ОАИТБ “Ипак Йўли” банкининг активлари йиллар мобайнида ўсиб борган. Шу билан параллел равишда кредитлари миқдори ҳам йиллар мобайнида ўсиб борган. Лекин банк томонидан берилган кредитларнинг активлардаги улуши бошқа тижорат банкларига нисбатан бироз паст бўлиб ҳисобланади. Кредитларнинг активлардаги улуши 2010 йилда 35,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2013 йилда 41,7 фоизни ташкил этган.

²² ОАИТБ “Ипак Йўли” банкининг баланс маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Тижорат банклари активларининг сифатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири - активларнинг даромадлилиги кўрсаткичи ҳисобланади. Активлар даромадлилигига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири активлар таркибида даромад келтирмайдиган активлар салмоғининг ўзгариши ҳисобланади.

2.2. Тижорат банклари активларининг даромадлилиги таҳлили

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банклари ялпи даромадининг умумий ҳажмида фоизли даромадлар камида 70 фоизни ташкил этиши лозим²³.

Мазкур банк экспертлари тижорат банкларининг фоизли даромадлари қуйидаги элементлардан ташкил топган бўлиши лозим деб ҳисоблайди:

- кредитлардан олинган фоизлар;
- бошқа банкларга жойлаштирилган депозитлардан олинган фоизлар;
- қатъий белгиланган ставкага эга бўлган қимматли қоғозлардан олинган даромадлар;
- қимматли қоғозларни олди-сотди қилишдан олинган даромадлар.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, банкларнинг даромадлари таркибида берилган кредитлар, депозитлар ва бошқа маблағларни жойлаштиришдан олинган фоизлар юқори салмоққа эга бўлиб, бу кўрсаткич 2009 йилда 56,42 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда эса 59,76 фоизни ташкил этмоқда. Банкларнинг даромадлари таркибида тижорат операцияларидан олинган даромадлар ва инвестициядан олинган даромадлар энг кам салмоққа эга бўлиб, 2011 йилда инвестициядан олинган даромадлар бирмунча кўпайиб, бу кўрсаткич жами даромадлар таркибида 1,46 фоизга ошган. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан

²³ МакНотон Д., Барлтроп К. Банковские учреждения в развивающихся странах. – Вашингтон Д.С. – ИЭР МБРР. 1994.

инвестициядан олинган даромадлар 0,19 фоизли пунктга ва 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 0,39 фоизли пунктга пасайган.

2.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг даромадлари структураси²⁴ (фоиз ҳисобида)

№	Даромадлар	2009й.	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.
1.	Берилган кредитлар, депозитлар ва бошқа маблағларни жойлаштиришдан олинган фоизлар	56,42	56,87	56,17	57,46	59,76
2.	Комиссион даромадлар	34,70	33,18	33,91	31,97	29,91
3.	Хорижий валютадаги даромадлар	4,65	4,55	3,43	4,05	4,25
4.	Тижорат операцияларидан олинган даромадлар	0,02	0,0001	0,0007	0,0008	0,0016
5.	Инвестициядан олинган даромадлар	0,48	0,91	1,46	1,27	1,07
6.	Бошқа даромадлар	3,78	4,49	5,03	5,25	5,00
	ЖАМИ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Шу билан бир қаторда, тижорат банклари даромадлари таркибида комиссион даромадлар ҳам бирмунча юқори салмоққа эга бўлиб турибди. 2009 йилда тижорат банклари комиссион даромадларининг жами даромадлардаги ҳиссаси 34,70 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда эса, бу кўрсаткич 4,79 фоизли пунктга сезиларли равишда пасайган.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлардаги салмоғи 60 фоиздан кам бўлмаслиги керак, деб ҳисоблашади. Бунинг учун кредитларнинг тижорат банклари брутто кредитлари ҳажмидаги салмоғи ҳам 60 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Шу сабабли, фоизли даромадларнинг ялпи даромадлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариш сабабларини аниқлаш, унинг салмоғини кескин тушиб кетишига йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Бошқа банклардан олинган кредитларнинг тижорат банки пасивларининг ҳажмида юқори бўлиши салбий ҳолат сифатида ҳам, ижобий

²⁴“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари

ҳолат сифатида ҳам баҳоланиши мумкин. Салбий ҳолат сифатида баҳолашнинг сабаби шундаки, одатда, ўзининг ресурс базаси етарли бўлмаган тижорат банклари банклараро кредитлардан ресурс манбаи сифатида фойдаланади.

Мазкур ҳолатнинг ижобий баҳоланишининг сабаби шундаки, рентабелли лойиҳаларга эга бўлган тижорат банклари бошқа банклардан кредитлар жалб қилиб, инвестицион лойиҳаларни кредитлаш йўли билан юқори даромад оладилар.

Тижорат банклари активларининг даромадлилиги ва ликвидлилигига бевосита таъсир этувчи омиллардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира талабномаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мажбурий резерв талаблари тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорида таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишда пул-кредит сиёсатининг муҳим инструментларидан бири сифатида қўлланилмоқда.

Хусусан, 2013 йил давомида инфляция ва пул массасининг белгиланган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида диверсификацияланган мажбурий резерв нормалари қўлланилиб, тижорат банклари томонидан жалб қилинган юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатли депозитлари учун – 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди.

2013 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 463,1 млрд. сўмга ёки йил бошига нисбатан 25,2 фоизга кўпайди.²⁵

Мажбурий захира ажратмаси суммаси тижорат банкларининг балансида алоҳида ҳисобрақамда акс эттирилади (10309-ҳисобрақам).

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “2013 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари” маълумотлари.

Кўпчилик хорижий мамлакатларнинг банк амалиётида мажбурий захира ажратмалари алоҳида ҳисобрақамда акс эттирилмайди, балки уларни банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида сақлаб туришга рухсат этилади.

Тижорат банклари даромадлилиги ва эффективлиги кўрсаткичларини қуйидаги жадвал асосида кўриб чиқамиз.

2.2.2-жадвал

Ўзбекистон банкларининг даромадлилиги ва эффективлиги кўрсаткичлари²⁶ (фоиз ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2009	2010	2011	2012	2013
1.	ROAA	2,6	2,2	1,47	1,49	1,59
2.	ROAE	15,0	12,9	11,42	12,18	13,73
3.	Соф фоизли маржа	6,0	5,2	4,21	4,13	4,25
4.	Фоизли спрэд	6,1	5,1	4,36	4,46	4,54
5.	Фоизли даромадлар/Даромад келтирувчи активлар	10,6	9,7	9,37	9,60	9,88
6.	Фоизли харажатлар/фоизли харажатлар қилинувчи мажбуриятлар	4,5	4,5	5,01	5,14	5,35
7.	Даромад келтирувчи активлар/Жами активлар	67,8	67,8	72,97	72,33	76,22

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида шуни кўриш мумкинки, банк активларининг рентабеллиги кўрсаткичи (ROA) 2009 йилда 2,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 1,59 фоизни ташкил этган. Лекин, шуни қайд этиш лозимки, 2011 йилга қараганда банк активларининг рентабеллик кўрсаткичи 2012 йилда 1,47 фоиздан 1,49 фоизга ўсган. Банкларнинг ўз капитали рентабеллиги кўрсаткичи эса (ROE) 2009 йилда 15,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 13,73 фоизни ташкил этган.

Банкларнинг соф фоизли маржаси 2013 йилда 2009 йилга қараганда пасайиб, 2013 йилда 4,25 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда бу

²⁶“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари.- Тошкент.- 2013йил, февраль.

кўрсаткич 6,0 фоизни ташкил этган. Бу эса, депозитлар бозорида фоиз ставкаларининг тушганлигини англатади. Фоизли спрэд кўрсаткичи ҳам, 2013 йилда 2009 йилга қараганда 1,56 фоизли пунктга пасайган.

Фоизли даромадларнинг даромад келтирувчи активлардаги салмоғи 2009 йилда 10,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 0,72 фоизга тушиб, 9,88 фоизни ташкил этган. Фоизли харажатларнинг фоизли харажатларни келтириб чиқарувчи мажбуриятлардаги улуши эса, 2013 йилда 2009 йилга қараганда 0,85фоизли пунктга ошган. Даромад келтирувчи активларнинг жами активлардаги улуши эса, 2013 йилда 2009 йилга қараганда 8,42 фоизга ошган. Яъни 2009 йилда бу кўрсаткич 67,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 76,22 фоизни ташкил этган.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали ОАТБ Капиталбанкнинг даромад келтирувчи активларини таҳлил қиламиз.

2.2.3-жадвал

ОАТБ Капиталбанк даромад келтирувчи активлари таҳлили, млрд.сўм²⁷

№	Активлар	Йиллар					2013 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши
		2009	2010	2011	2012	2013	
1.	Бошқа банклардаги маблағлар	21,5	18,2	43,9	48,8	86,3	64,8
2.	Кредитлар	160,1	128,7	195,6	260,3	392,9	232,8
3.	Қимматли қоғозлар	0,7	0,71	0,5	3,2	2,9	2,2
4.	Инвестициялар	1,6	1,4	4,9	1,6	1,6	0


Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида шуни кўриш мумкинки, ОАТБ Капиталбанк даромад келтирувчи активлари таркибида кредитлар миқдори юқори салмоққа эга бўлиб, 2013 йилда 2009 йилга нисбатан 232,8 млрд. сўмга ошган. Бу шундан далолат берадики, бугунги кунда тижорат банклари фоизли даромадлари таркибида кредит операциялари амалиёти

²⁷ ОАТБ Капиталбанк баланси ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

муҳим хусусиятга эга. Яъни, қисқача қилиб айтганда, кредит операциялари тижорат банкларининг асосий даромад манбаи бўлиб қолмоқда.

Даромад келтирувчи активлар таркибида бошқа банклардаги маблағлар миқдори ҳам 2013 йилда кескин ошган. 2013 йилда бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 64,8 млрд.сўмга ошган. Лекин банкнинг инвестицион операциялари етарли даражада ривожланмаганлигини жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. Бу ҳолат, нафақат айнан ОАТБ Капиталбанк амалиётида балки республикамизнинг қарийб барча тижорат банклари амалиётида мавжуддир.

Қуйидаги расм маълумотлари орқали ОАТБ Капиталбанк фоизли даромадларининг ўсиш динамикасини таҳлил қиламиз.




2.2.1-расм. ОАТБ Капиталбанк фоизли даромадларининг динамикаси (млрд.сўм)²⁸

Юқоридаги расм маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, ОАТБ Капиталбанк фоизли даромадлари йиллар мобайнида ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, ўз навбатида унинг кредитлари миқдори ошиши билан боғлиқдир. Чунки, банк фоизли даромадларининг асосий қисми айнан кредитлар фоизларидан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келади. 2009 йилда ОАТБ Капиталбанк фоизли даромадлари 22,3 млрд. сўмни ташкил

²⁸ ОАТБ Капиталбанк баланси ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 57,03 млрд. сўмни ташкил этиб, 2,5 баробар ортган.

Қуйидаги расмда ОАТБ Алоқа банк фоизли даромадларининг таркибини кўриб чиқамиз.



2.2.2-расм. ОАТБ Алоқа банк фоизли даромадларининг таркиби (01.01.2014 йил ҳолатига,фоизда)²⁹

Юқоридаги расм маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, ОАТБ Алоқа банк фоизли даромадлари таркибида кредит ва лизинг операциялари юқори салмоққа эга, жорий йил бошида унинг улуши 75,40 фоизни ташкил этди. Бу эса, тижорат банклари даромадларини шакллантиришда кредит операцияларининг ўрни беқиёс эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда тижорат банкларининг фойдаси қуйидаги йўналишларда фойдаланилмоқда: таъсисчилар ўртасида тақсимланаяпти; акциядорларга дивиденд сифатида берилаяпти; бюджетга тўловлар амалга оширилаяпти; банк ходимлари ўртасида тақсимланаяпти; банк капитали миқдори оширилаяпти (капитализация қилинаяпти); банкнинг махсус ва умумий захира фондлари яратилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан юқори ликвидли қимматли қоғозлар сифатида давлатнинг қимматли қоғозлари (давлатнинг

²⁹ ОАТБ Алоқа банк ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.

кисқа муддатли облигациялари ва ўрта муддатли хазина мажбуриятлари), Марказий банкнинг облигациялари тан олинмоқда. Инвесторларнинг давлатнинг қимматли қоғозларидан оладиган даромадларининг фойда (даромад) солиғидан озод қилинганлиги уларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Республикамиз тижорат банкларининг айланма кассасидаги нақд пуллар, ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётидан фарқли ўлароқ, банк активларининг даромадлилигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи актив ҳисобланади. Уларнинг банк активларининг даромадлилигига бевосита таъсири нақд пулларни айланма кассага кирим қилишда ҳам, чиқим қилишда ҳам мижозлардан комисион тўловни ундирилишида намоён бўлади. Банкларнинг айланма кассасидаги нақд пулларнинг суммасига мажбурий заҳиралар ажратмаси суммасининг камайтирилиши нақд пулларнинг банк активларининг даромадлилигига нисбатан билвосита таъсирини англатади. Бунинг боиси шундаки, мажбурий заҳира ажратмалари суммасининг камайтирилиши банк ресурсларини ана шу суммага кўпайганлигини билдиради. Кўпайган ресурсларни даромад келтирадиган активлар сифатида жойлаштирилиши банк активларининг даромадлилигини ошишига олиб келади.

Республикамиз тижорат банкларининг кассали активларининг таркибида тижорат банкларининг мамлакатнинг бошқа тижорат банкларидаги миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобварақлари мавжуд эмас.

Барча ривожланган хорижий мамлакатларда ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси каби давлатларда ҳар бир тижорат банки миллий валютада иккита “Ностро” вакиллик ҳисобварағига эгадир. Улардан биттаси мамлакат Марказий банкининг балансида очилган бўлиб, вертикал вакиллик ҳисобварағи дейилади. Иккинчиси эса, мамлакатдаги бошқа тижорат

банкларининг балансида очилган бўлиб, горизонтал вакиллик ҳисобварақлари дейилади. Тижорат банкларининг бошқа банклар билан бўладиган барча операциялари фақат горизонтал вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, тўловларни амалга ошириш жараёнини тезлаштиради ва уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг эса, горизонтал вакиллик ҳисобварақлари мавжуд эмас, бу эса, банклар орқали ўтадиган тўловларнинг самарадорлигига салбий таъсир қилади. Шунинг учун биз таклиф қилардикки, республикаимиз тижорат банкларига Марказий банк томонидан миллий валютадаги горизонтал вакиллик ҳисобварақларини очишга рухсат берилиши лозим. Бир вақтнинг ўзида банклараро операциялар устидан Марказий банк томонидан амалга ошириладиган назоратни кучайтириш лозим.

Мамлакатимиз тижорат банкларининг активларини уларнинг ликвидлилик даражасини пасайиб бориши тамойилига асосан шакллантириш халқаро банк амалиётида мавжуд бўлган активларни шакллантириш тартибидан сезиларли даражада фарқ қилади.

Республикаимиз тижорат банкларининг активлари таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни кассали активлар, учинчи ўринни асосий воситалар, сўнги, тўртинчи ўринни эса, қимматли қоғозлар шаклидаги активлар эгаллайди. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг банк амалиётида эса, кредитлардан кейинги иккинчи ўринни қимматли қоғозлар шаклидаги активлар эгаллайди, кассали активлар эса, активларнинг таркибида учинчи ўринда туради.

Республикаимизда барча тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилган инвестицияларининг мутлақ асосий қисми ҳукуматнинг қисқа муддатли облигациялари ва ўрта муддатли хазина мажбуриятларига қилинган инвестицияларга тўғри келади. Масалан, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига, республикаимиз банклари томонидан қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг умумий суммаси 55,4 млрд. сўмни ташкил қилгани

холда, унинг 83,1 фоизи давлат қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг ҳиссасига тўғри келди³⁰. Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан, ДҚМОда тўлов кафолатланган; иккинчидан, банкларнинг ДҚМОдан оладиган фойдаси солиққа тортилмайди. Айни вақтда, бу ҳолат республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларини ривожланмаганлигидан далолат беради.

Давлат бюджетининг тақчиллигини ноинфляцион қоплаш манбаси бўлган Давлат қисқа муддатли облигациялари 1996 йили март ойидан бошлаб муомалага чиқарила бошланди. Шу вақтдан бошлаб давлатнинг қисқа муддатли облигациялари бозори тез ривожлана борди ва қисқа муддатда у молия бозорининг асосий сегментларидан бирига айланди. ДҚМО бозори ривожланишининг дастлабки босқичларида фақат 3 ойлик облигациялар муомалага чиқарилган бўлса, кейинчалик 6-9 ва 12 ойлик облигациялар чиқарила бошланди. ДҚМО бозорининг тез суръатлар билан ўсиб бориши Молия вазирлиги томонидан унинг айланиш даврини узайтиришга имкон яратди. Ҳозирги кунда 3 ойлик ДҚМОларни муомалага чиқариш тўхтатилди.

Давлатнинг қимматли қоғозлари бўйича мажбуриятларини диверсификация қилиш соҳасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Давлатнинг қисқа муддатли облигацияларининг умумий ҳажмида муомала муддати нисбатан узоқ бўлган облигацияларнинг улуши аста-секин кўпайиб бормоқда. Шуниси характерлики, Ўзбекистон банкларининг юқори рискли корпоратив қимматли қоғозларга қилган қўйилмалари банк активлари ҳажмида кичик салмоқни эгаллайди.

Мамлакатимиз тижорат банкларининг активларини шакллантиришга хос бўлган хусусиятлардан яна бири республикамиз банк амалиётида бир қатор актив операцияларнинг, шу жумладан, дисконт, форфейтинг операциялари каби операцияларни мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Мамлакатимиз банк амалиётида дисконт операцияларининг мавжуд эмаслиги тижорат банклари активларининг даромадлилигини оширишга

³⁰ Ўзбекистон Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Чунки, дисконт операциялари банкларга сезиларли даражада юқори бўлган фоизли даромадлар олиш имконини беради. Бундан ташқари, дисконт операциялари тижорат банклари активларининг даромадлилигига зиён етказмаган ҳолда, банкларнинг ликвидлилигини ошириш имкониятини юзага келтиради. Бундай имконият тижорат банкларининг балансидаги тратталарни Марказий банкда қайта ҳисобга олиш йўли билан юзага келтирилади. Демак, республикамиз банк амалиётида дисконт операцияларининг мавжуд эмаслиги тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш ва активларининг даромадлилигини оширишга салбий таъсир кўрсатади.

Тижорат банкларининг форфейтинг операциялари уларга сезиларли даражада юқори даромад олиш имконини беради. Бунинг сабаби шундаки, форфейтинг операцияларида тижорат векселлари регресс ҳуқуқисиз ҳисобга олинади, шу сабабли, банкларнинг дисконт ставкаси юқори бўлади.

2.3. Иккинчи боб бўйича хулоса

Тадқиқот ишининг иккинчи бобини ёритиш жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- 2009-2013 йилларда республикамиз тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра кредитлар биринчи ўринни эгаллайди. Бу эса, кредитлаш банклар учун асосий фаолият тури эканлиги билан изоҳланади.

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари таркибида ссуда ва лизинг операциялари салмоғи катта бўлиб, 2010 йилда бу кўрсаткич 48,43 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 50,25% ва 2012 йилда 50,28 фоизни ҳамда 2013 йилда эса 56,22 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу операциялар миқдори 2009 йилга нисбатан 2013 йилда 4,54%га ўсган.

- Кредит портфелида номолиявий ташкилот ва корхоналарга берилган кредитлар пасайиш тенденциясига эга бўлган. 2009 йилда номолиявий ташкилот ва корхоналарга берилган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғи 83,89 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2013 йилда 80,03

фоизни ташкил этиб, 3,86 фоизга камайган. Бунинг асосий сабабларидан бири тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга берилган кредитлар салмоғининг йиллар мобайнида ўсиб бораётганлиги билан изоҳланади. Аниқроқ қилиб айтганда, бу кўрсаткич бугунги кунда жисмоний шахслар томонидан истеъмор, ипотека ва бошқа каби кредитларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигини билдиради.

- 2009-2013 йиллар мобайнида кредит қўйилмалари ва унинг ЯИМдаги салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу албатта ижобий ҳолат бўлиб, иқтисодий-иҷтимоий ривожлантиришда кредитларнинг салмоғи юқориликдан ва уларнинг ҳиссаси йилдан йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатади.

- Тижорат банклари даромадлари таркибида комиссиян даромадлар ҳам бирмунча юқори салмоққа эга бўлиб турибди. 2009 йилда тижорат банклари комиссиян даромадларининг жами даромадлардаги ҳиссаси 34,70 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда эса, бу кўрсаткич 4,79 фоизли пунктга сезиларли равишда пасайган.

- Тижорат банклари активларининг даромадлилиги ва ликвидлилигига бевосита таъсир этувчи омиллардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира талабномаси ҳисобланади.

- Банк активларининг рентабеллиги кўрсаткичи (ROA) 2009 йилда 2,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 1,59 фоизни ташкил этган. Лекин, шуни қайд этиш лозимки, 2011 йилга қараганда банк активларининг рентабеллик кўрсаткичи 2012 йилда 1,47 фоиздан 1,49 фоизга ўсган. Банкларнинг ўз капитали рентабеллиги кўрсаткичи эса (ROE) 2009 йилда 15,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 13,73 фоизни ташкил этган.

- ОАТБ Капиталбанк даромад келтирувчи активлари таркибида кредитлар миқдори юқори салмоққа эга бўлиб, 2013 йилда 2009 йилга нисбатан 232,8 млрд.сўмга ошган. Бу шундан далолат берадики, бугунги кунда тижорат банклари фоизли даромадлари таркибида кредит операциялари амалиёти муҳим хусусиятга эга. Яъни, қисқача қилиб айтганда,

кредит операциялари тижорат банкларининг асосий даромад манбаи бўлиб қолмоқда.

- ОАТБ Алоқа банк фоизли даромадлари таркибида кредит ва лизинг операциялари юқори салмоққа эга, жорий йил бошида унинг улуши 75,40 фоизни ташкил этди. Бу эса, тижорат банклари даромадларини шакллантиришда кредит операцияларининг ўрни беқиёс эканлигини кўрсатади.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Тижорат банклари активларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар

Республикаимиз банк тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш борасида олиб борилаётган чора - тадбирлар натижасида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш, инвестиция жараёнларида, иқтисодиётни таркибий ислох қилишда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда кенг иштирок этишини таъминлаш, уларнинг эркинлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Самарали олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштириш борасида белгилаб берилган вазифаларнинг босқичма - босқич амалга ошириб борилиши натижасида тижорат банклари фаолияти янада такомиллашиб, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва энг асосийси, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи ортиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Банк тизимини ислох қилишнинг асосий мақсади банклар фаолиятининг иқтисодий ўсишини, молиявий барқарорлигини таъминлаш сари йўналтиришдир, кейинги йилларда тижорат банклар молиявий ресурсларни молиявий воситачилик операциялари соҳасига йўналтирувчи молиявий институтга айланиб қолмоқда.

Лекин шу билан биргаликда, тижорат банклари активларини бошқаришда муаммолар мавжуд бўлиб, улар бизнинг фикримизча қуйидагилардан иборатдир:

1. Республикамиз тижорат банкларининг активлари таркибида даромад келтирмайдиган ва даромадлилик даражаси паст бўлган активларни, яъни кассали активларни ва асосий воситаларнинг ўсиш тенденциясининг мавжудлиги.

Амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда республикамиз тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни кассали активлар эгаллайди, учинчи ўринни асосий воситаларга қилинган қўйилмалар ва ниҳоят сўнгги ўринни қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар эгаллайди. Ҳолбуки, асосий воситалар даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади, кассали активларнинг даромадлилик даражаси эса жуда пастдир. Ривожланган индустриал мамлакатларнинг банк амалиётида эса, тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни қимматли қоғозлар шаклидаги активлар, учинчи ўринни эса, кассали активлар эгаллайди. Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар даромадлилик даражасига кўра кредитлардан кейинги актив ҳисобланади. Бундан ташқари, улар банкларнинг ликвидлилигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан ҳам кўплаб хорижий банкларда активларнинг даромадлилик даражасини юқори эканлиги кузатилади.

Жаҳон амалиётида тижорат банкларининг кредит операцияларининг ҳажми жами даромад келтирувчи активларнинг ўртача 80-85 фоизигача ҳиссасини ташкил қилиши ва Ўзбекистон тижорат банкларида бу кўрсаткич ўртача 60-65 %ни ташкил қилишига қарамасдан олинадиган даромадлари даражасининг пастлиги тижорат банклари кредит сиёсатларининг номукамаллигидан далолат бериб, кредитларнинг оптимал жойлаштирилмаганлигини кўрсатади. Ушбу ҳолат банк активлари таркибини оптималлаштиришдаги салбий ҳолатлардан биридир.

2. Республикамиз тижорат банклари кредитларининг даромадлигини ошириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикамиз тижорат банкларида кредитларнинг барқарор даромадлилик даражасини таъминлашга муваффақ бўлинмаган.

Республикамиз тижорат банкларида кредитларнинг даромадлилик даражасини нисбатан паст ва нобарқарор эканлиги уларнинг молиявий ҳолатига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради. Чунки, биринчидан, кредитлар республикамиз тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди. Шу сабабли, тижорат банклари ялпи даромадининг асосий қисми кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ҳиссасига тўғри келади. Иккинчидан, тижорат банклари фаолиятининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири тижорат банкининг соф фоизли даромади миқдорининг барқарорлиги ҳисобланади. Кредитлардан олинган фоизлар миқдорининг камайиши ялпи даромад миқдорининг камайишига олиб келади ва шунинг асосида соф фоизли даромад миқдорининг камайиши юз беради. Чунки соф фоизли даромад миқдори, банк амалиётида қабул қилинган услубиётга кўра, тижорат банкининг фоизли даромадлари суммасидан фоизли харажатлар суммасини айириб ташлаш йўли билан аниқланади³¹. Учинчидан, кредитлардан олинган фоизлар суммасининг камайиши муддати ўтган кредитлар миқдорининг ўсиши ҳисобига юз берган бўлса, у ҳолда, тижорат банкининг жорий ликвидлилик даражаси сезиларли даражада пасаяди. Бу эса, ўз навбатида, банкнинг комиссион даромадлари миқдорининг камайишига олиб келади.

Республикамиз тижорат банкларида кредитларнинг даромадлилик даражасининг нобарқарорлигига сабаб бўлган асосий омиллар, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

³¹ <http://www.finam.ru/dictionary>. сайти маълумотларидан олинди

2.1. Муддати ўтган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғининг пасайиш тенденциясига эга эканлиги.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғининг пасайиш суръати бир неча марта кузатилди.

2.2. Тижорат банклари активлари таркибида даромад келтирувчи активларнинг пасайиш тенденциясининг мавжудлиги.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, муддати ўтган кредитлар миқдорининг ўсиш суръатига эга эканлиги, кредитларнинг ўртача фоиз ставкасининг пасайиш тенденциясининг мавжудлиги, брутто-кредитларнинг мутлақ суммада ўсиш суръатининг юқори эканлиги, пировард натижада, брутто-кредитларнинг ўсиш суръати билан кредитлардан олинган фоизларнинг ўсиш суръати ўртасидаги номутаносибликни юзага келтирди.

2.3. Тижорат банклари активлари ва пасивларини бошқаришда асосан фиксирланган фоиз ставкаларининг қўлланилиши сабабли банкларнинг бозор конъюктурасининг ўзгаришига тезда мослашиш ва даромадини ошириш имконияти анчагина чекланган.

2.4. Тижорат банклари амалиётида актив операцияларида қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоиз белгилаш амалиётининг кенг тарқалганлиги. Холбуки, қайта молиялаштириш ставкаси фақатгина кредит ресурслари бозоридан сотиб олинган ресурслар ҳисобидан амалга ошириладиган актив операцияларда қўлланилиши лозим.

3. Республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларини ривожланмаганлиги.

3.1. Тижорат банклари активлари таркибида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар салмоғи паст даражада эканлиги.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, республикамиз тижорат банкларининг миллий ва халқаро фонд биржаларидаги фаолияти сустлигича қолмоқда. Бу ҳолат тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелини таҳлил қилиш жараёнида яққол намоён бўлди. Холбуки, ривожланган

хорижий давлатлар банк амалиётида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар банкларнинг ссудалардан кейинги иккинчи асосий фаолият тури ҳисобланади.

3.2. Тижорат банклари қимматли қоғозлар портфелида тижорат қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг сезиларли даражада пастлиги.

Тижорат банкларда қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари таркибида тижорат қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари сезиларда даражада паст салмоққа эга.

4. Тижорат банклари активлари ва кредитлар миқдорий жиҳатдан ўсиш тенденциясига эга бўлсада, уларнинг мамлакат ЯИМдаги салмоғи пасайиш тенденциясининг мавжудлиги.

3.2. Тижорат банклари активларини бошқариш амалиётини такмиллаштириш йўллари

Ҳозирги шароитда республикамиз тижорат банклари активларини оқилона бошқариш ва банк тизимининг ликвидлилиги ва барқарорлиги мамлакат учун ғоят муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, биргина банкнинг инқирозга учраши, бутун республикада тўлов тизимининг бузилиши каби салбий оқибатга олиб келиши мумкин.

Кейинги йилларда тижорат банклари активлариларини бошқаришнинг самарали йўллари сифатида, аввало, банкларнинг устувор вазифаларидан бири, қўшимча равишда банк акцияларини муомалага чиқариш орқали банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, айниқса уларнинг узоқ муддатга мўлжалланган ресурс базасини кенгайтириш, реал секторга ажратиладиган кредитлар ҳажмини ошириш ҳамда ушбу маблағларни корхона ва ташкилотларни модернизация қилишга ва инвестицион соҳаларга йўналтиришдан иборат бўлмоқда.

Шунингдек, банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, чет эл капитали иштирокидаги банкларнинг фаоллигини рағбатлантириш, юқори сифатли ва замонавий банк хизматларини таклиф этиш орқали банк тизимида рақобат муҳитини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз тижорат банкларининг актив операцияларининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Республикамиз тижорат банкларида кассали активларни йирик миқдорда тўпланиб қолишига йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқиш лозим.

Бунинг учун, аввало, тижорат банкларининг депозит базаси таркибида муддатли ва жамғарма депозитлари салмоғини ошириш лозим. Бунинг натижасида трансакцион депозитларнинг депозитлари умумий ҳажмидаги салмоғи пасаяди. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида йирик миқдорда пул маблағларини сақлаб туриш заруриятидан халос қилади.

2. Тижорат банклари кредит операцияларининг даромадлилигини ошириш мақсадида, аввало, ссудаларнинг банк активлари таркибидаги салмоғини ошириш лозим. Иккинчидан, банкларнинг пассивлари таркибида нисбатан қиммат бўлган бошқа банклардан олинган кредитларнинг салмоғини кескин камайтириш ва уларнинг ўрнига муддатли ва жамғарма депозитларнинг салмоғини ошириш лозим.

Учинчидан, тижорат банкларида миждознинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим.

Банкларда шундай баҳолаш тизими юзага келтирилиши лозимки, у миждознинг реал пул оқимини аниқ белгилаш ва прогнозлаш имконини берсин. Муҳими ушбу тизимни амалиётга жорий қилиш лозим. Бундан ташқари, баҳолаш тизимида миждознинг кредит йиғма жилдини юритишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Унда миждознинг кредит тарихи, хулқига оид маълумотлар ўзининг тўлиқ ифодасини топган бўлиши лозим.

Тўртинчидан, кредитлаш шаклларида кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Ҳар бир кредитлаш шакли унга бўлган табиий эҳтиёж натижасида юзага келади ва уларнинг риск даражасига қараб банкнинг фоиз ставкаси белгиланади.

Тижорат банклари активларининг фоизли даромадлар салмоғини ошириш учун аввало, банкларнинг тижорат қимматли қоғозлари билан боғлиқ операцияларини жонлантириш, даромад келтирувчи активлардаги қимматли қоғозлар харидига йўналтирилган активлар салмоғини энг камида фонд бозори ривож ва хусусийлаштириш жараёни ривож асосида мувофиқлаштириб бориш лозим бўлади.

Тижорат банклари жисмоний шахсларга бериладиган кредитларни ҳажмини кескин ошириш лозим, чунки жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жисмоний шахсларга кредит сифатида йўналтирилган активларнинг рисклилиқ даражаси ҳам юридик шахсларга берилган кредитларга нисбатан кескин равишда камлиги билан фарқ қилади. Ривожланган давлатларда бундай кредитлар миқдори корхона ва ташкилотларга бериладиган кредитлар миқдorigа етган. Республикамиз тижорат банкларида эса бунинг акси кузатилади. Жисмоний шахсларга бериладиган истеъмол кредитлари аҳолининг товарларни сотиб олиш талабини рағбатлантиради. Ушбу кредитларни жойлаштирилишида аҳолининг ўрта табақалари асосий ўринни эгаллаши юқори самарадорликни таъминлайди. Республикамиз тижорат банклари активлари таркибини оптималлаштириш учун уларни кредитлашнинг янги шакллorigа ишлатиши лозим. Кредитлаш шаклларида кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Ҳар бир кредитлаш шакли унга бўлган табиий эҳтиёж натижасида юзага келади ва уларнинг риск даражасига қараб банкнинг фоиз ставкаси белгиланади.

3. Тижорат банкларнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган актив операцияларининг самарадорлигини ошириш лозим. Бунинг учун, биринчидан, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғини ошириш лозим; иккинчидан,

банкда эмитентларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим.

Бу борада мавжуд бўлган асосий муаммолар куйидагилардан иборат:

– маълумотлар таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, республикамизда ривожланган хорижий давлатлар амалиётидан фарқли улароқ, фонд бозорларида кенг котировка қилинадиган бир қатор юқори ликвидли ва юқори даромадли қимматли қоғозлар мавжуд эмас. Бундай қимматли қоғозларга, хорижий валюталарда эмиссия қилинган ҳукуматнинг ўрта ва узоқ муддатга чиқарилган қимматли қоғозларини, тўлови ҳукумат томонидан кафолатланган корпоратив облигацияларни, тижорат банкларининг депозит сертификатларини, ҳосилавий инструментларини, субординациялашган қарз мажбуриятларини киритиш мумкин;

– республикамиз банк амалиётида хорижий валюталарда эмиссия қилинган тижорат векселлари билан боғлиқ фонд операцияларининг мавжуд эмаслиги.

Халқаро банк амалиётида тижорат векселлари дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни қисқартиришнинг, товарларни сотилиш жараёнини тезлаштиришнинг, корхоналарнинг қўшимча пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондиришнинг ва тижорат банкларига юқори даромад келтиришнинг синалган муҳим инструменти ҳисобланади.

Афсуски, республикамизнинг хўжалик амалиётида тижорат векселларининг муомаласи мавжуд эмас. Бу эса тижорат банкларига векселлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш имконини бермайди.

Ривожланган хорижий давлатларнинг, хусусан, АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа давлатларининг банк амалиётида тижорат векселларидан тижорат банклари фаолиятида юқори даромад олиш ва банк ликвидлилигини таъминлаш воситаси сифатида фаол фойдаланилади. Яъни, биринчидан, тижорат банкларининг балансидаги тижорат векселларининг маълум қисми Марказий банкда қайта ҳисобга олинади. Бундан ташқари, хорижий валюталарда ёзилган қимматли қоғозларнинг маълум қисми хорижий

банкларда ҳисобга олинади ва хорижий инвестицияларни жалб этишнинг бир шакли ҳисобланади.

Юқорида таъкидланган тижорат банклари активларини самарали жойлаштириш ва бошқариш бўйича таклифлар уларнинг активларини самарали бошқариш имкониятини беради. Тижорат банклари активлари таркибини бугунги замон талаби асосида бошқариш орқали актив операцияларнинг юқори самарадорлигини таъминлаш имконияти пайдо бўлиб, тижорат банкларининг молиявий ҳолатига реал хавф солиб турган рискларни бартараф этиш имконияти яратилади.

3.3. Учинчи боб бўйича хулоса

Тадқиқот ишининг учинчи бобини ёритиш жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- республикамиз тижорат банклари кредитларининг даромадлилигини ошириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикамиз тижорат банкларида кредитларнинг барқарор даромадлилик даражасини таъминлашга муваффақ бўлинмаган;
- тижорат банклари активлари таркибида даромад келтирувчи активларнинг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда;
- республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларини ривожланмаган;
- республикамиз тижорат банкларида кассали активларни йирик миқдорда тўпланиб қолишига йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқиш лозим;
- тижорат банклари кредит операцияларининг даромадлилигини ошириш мақсадида, аввало, ссудаларнинг банк активлари таркибидаги салмоғини ошириш лозим. Иккинчидан, банкларнинг пасивлари таркибида нисбатан қиммат бўлган бошқа банклардан олинган кредитларнинг

салмоғини кескин камайтириш ва уларнинг ўрнига муддатли ва жамғарма депозитларнинг салмоғини ошириш лозим;

- тижорат банкларнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган актив операцияларининг самарадорлигини ошириш лозим. Бунинг учун, биринчидан, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғини ошириш лозим; иккинчидан, банкда эмитентларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим.

Хулоса

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида республикамиз тижорат банклари активларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

1. Тижорат банкларининг кассали активларига хос бўлган асосий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- кассали активларнинг ликвидлилик даражаси нисбатан жуда юқори бўлганлиги сабабли уларнинг даромадлилик даражаси сезиларли даражада пастдир;

- кассали активлар молия бозорлари ривожланмаган мамлакатларда тижорат банклари балансининг ликвидлигини таъминлаш имконини берадиган ягона активлар гуруҳи ҳисобланади;

- кассали активлар мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг ўзгаришига, молия бозорларининг сегментларидаги ўзгаришларга нисбаатан сезиларли даражада таъсирчан бўлган активлар ҳисобланади.

2. Тараққий этган мамлакатларда ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган банк инвестицияларини юқори салмоққа эга эканлигининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборатдир:

- ҳукуматнинг қимматли қоғозлари юқори ликвидлилик хусусиятига эга бўлиб, уларга нисбатан қимматли қоғозлар бозорида доимо барқарор талаб мавжуд бўлади;

- ҳукуматнинг қимматли қоғозлари қатъий белгиланган фоизда банкка даромад келтиради ва улар банкнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш имконини беради, бу эса, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартидир;

- ҳукуматнинг қимматли қоғозлари йирик миқдорда эмиссия қилинади.

3. Иқтисодий адабиётда тижорат банклари активлари таркибини оптималлаштириш масаласи қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, бир гуруҳ олимлар тижорат банклари активларининг оптимал таркибини шакллантиришда юқори ликвидли активлар билан

рискли активлар ўртасидаги нисбатнинг оқилона даражасини таъминлаш лозим, деган хулосани шакллантирадилар.

4. Фикримизча, тижорат қимматли қоғозларига қилинган банк инвестицияларини юқори ликвидли активлар қаторига киритиш мантиқан тўғри эмас. Бунинг сабаби шундаки, тижорат қимматли қоғозлари аниқ моддий кафолатга эга эмас, айниқса, республикамиз шароитида кўплаб корхоналарнинг қимматли қоғозлари бўйича тўловсизлик муаммоси мавжуд.

5. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра кредитлар биринчи ўринни эгаллайди ва ушбу ҳолат кредитлаш банклар учун асосий фаолият тури эканлиги билан изоҳланади.

Республикамиз тижорат банклари активларининг таркибида кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг юқори эканлиги салбий ҳолат сифатида баҳоланади ва кассали активларни даромад келтирмайдиган ва даромадлилиқ даражаси паст бўлган активлар эканлиги билан изоҳланади.

6. Республикамиз тижорат банклари активларининг таркибини таҳлил қилиш натижалари кўрсатдики, кредит қуйилмаларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлса, мазкур пасайишнинг кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг ошиши ҳисобига юз берганлиги салбий ҳолат ҳисобланади.

7. Республикамиз тижорат банкларининг ҳукуматининг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларининг уларнинг брутто активлари ҳажмидаги салмоғини паст даражада қолганлиги уларнинг ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Ўз навбатида, ҳукумат қимматли қоғозларининг эмиссия ҳажмини кичик эканлиги 2005 йилдан буён Давлат бюджетини профицит билан бажарилаётганлигидан длолат беради.

8. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг шаклланишига хос бўлган қуйидаги хусусиятлар аниқланди:

– республикамиз тижорат банкларининг айланма кассасидаги нақд пулларни, ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётидан фарқли ўлароқ, банк активларининг даромадлилигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи актив эканлиги;

– республикамиз тижорат банкларининг кассали активларининг таркибида тижорат банкларининг мамлакатнинг бошқа тижорат банкларидаги миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобварақлари мавжуд эмаслиги;

– мамлакатимиз тижорат банкларининг активларини уларнинг ликвидлилик даражасини пасайиб бориши тамойилига асосан шакллантириш халқаро банк амалиётида мавжуд бўлган активларни шакллантириш тартибидан сезиларли даражада фарқ қилиши;

– республикамизда барча тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилган инвестицияларининг мутлақ асосий қисмини ҳукуматнинг қисқа муддатли облигациялари ва ўрта муддатли хазина мажбуриятларига қилинган инвестицияларга тўғри келиши.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларини таркибини оптималлаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Республикамиз тижорат банкларида кассали активларни йирик миқдорда тўпланиб қолишига йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун, аввало, тижорат банкларининг депозит базаси таркибида муддатли депозитлар ва жамғарма депозитлари салмоғини ошириш лозим.

2. Тижорат банкларининг ссудалардан олинадиган фоиз шаклидаги даромадларини ошириш мақсадида, аввало, ссудаларнинг банк активлари таркибидаги салмоғини ошириш лозим. Иккинчидан, банкларнинг пасивлари таркибида марказлашган ресурслар ва бошқа банклардан олинган кредитларнинг салмоғини кескин камайтириш ва уларнинг ўрнига муддатли ва жамғарма депозитларнинг салмоғини ошириш лозим. Учинчидан, тижорат

банкларида миџознинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим.

3. Республикамиз тижорат банклари активларининг ликвидлилиги ва даромадлилиги ўртасидаги узвий боғлиқликнинг оптимал даражасини юзага келтириш лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда, тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш йўли билан уларнинг депозит базасини таркибида трансакцион депозитларнинг салмоғини пасайтириш лозим.

4. Республикамиз тижорат банклари кредит операцияларининг даромадлилигини ошириш мақсадида ссудаларнинг банк активлари таркибидаги салмоғини ошириш ҳамда банкларнинг пасивлари таркибида нисбатан қиммат бўлган бошқа банклардан олинган кредитларнинг салмоғини кескин камайитириш ва уларнинг ўрнига муддатли ва жамғарма депозитларнинг салмоғини ошириш лозим.

5. Республикаимз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган актив операцияларининг самарадорлигини ошириш лозим. Бунинг учун, биринчидан, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғини ошириш лозим; иккинчидан, банкда эмитентларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси қонунилари

1. «Банк сири тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.08.2003 й. № 530-II.

2. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 05.04.2002 й. № 360-II.

3. «Кредит уюшмалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 04.04.2002 й. № 355-II.

4. «Лизинг тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 14.04.1999 й. № 756-I.

5. «Инвестиция фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 24.12.1998 й. № 719-I.

6. «Чет эл инвестициялари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.04.1998 й. № 609-I.

7. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.04.1996 й.

8. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 21.12.1995 й. № 154-I.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги 1325-сонли “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида» ги Қарори. 2008 йил 31 октябрь №ПҚ- 991.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори. 2008 йил 13 август №ПҚ-944.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори. 2008 йил 13 ноябрь, №ПҚ-998.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050.

25. «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодийни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 12.07.2007 й.

26. «Тижорат банкларининг капиталлаштириш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 19.12.2006 й.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

27. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

28. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

29. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

30. И.А. Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 2008. - 368 б.

31. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.-Т.: Ўзбекистон, 2014.-64 б.

Китоб ва туркум нашрлар

32. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002й. – 304 б.

33. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар: дарслик. - Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007. - 348б.

34. Александрова Н.Г. Банки и банковская деятельность для клиентов. - Москва: Питер, 2002. – 224 с.

35. Банковское дело: стратегическое руководство. / Под. ред. В. Платонова. - Москва: Консалтбанкир, 2001. - 432с.
36. Банковское дело. / Под ред. Г.Н. Белоглазовой и Л.П.Кроливецкой. - СПб.: Питер, 2004. -374с.
37. Банковское дело: учебник. / Е.Ф. Жукова, Н. Д. Эриашвили. - Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. - 575с.
38. Банковское дело: управление и технологии: учеб. пособие для вузов. / Под. ред. проф. А.М.Тавасиева. - Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. - 863с.
39. Банковское дело: учебник. / Г.Г. Коробова. - Москва: Экономист, 2005. - 751с.
40. Банковское дело: учебник. / Г.Н. Белоглазова. - Москва: Финансы и статистика, 2006. - 592с.
41. Баталов А.Г. Банковская конкуренция. / А.Г. Баталов. - Москва: Экзамен, 2002. – 256с.
42. Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки: учебник. / - Москва: Юрайт, 2006. - 621с.
43. Беляков А.В. Банковские риски: проблемы учета, управления и регулирования. / Беляков А.В. - Москва: Издательская группа "БДЦ-пресс", 2003. - 256с.
44. Блутфилд Кристофер А. Как взять кредит в банке. / Кристофер А. Блутфилд. - Москва: ИНФРА-М, 1996. - 144с.
45. Валенцева Н.И. Организация деятельности коммерческого дело: учебно методический комплекс. - Москва: 2004.-40с.
46. Винаградова Т.Н. Банковские операции: учебное пособие. / Т.Н. Винаградова. - Ростов-на-Дону: Феникс, 2001. - 384с.
47. Волкова З.Н. Банковское дело и финансы: учеб. пособие по английскому языку. / З.Н. Волкова. - Москва: УРАО, 2000. - 104с.

48. Дихтяр В.И. Банковские услуги предприятию. Базовые операции: учеб. пособ. - Москва: Российского университета дружбы народов, 2001. - 112с.
49. Жарковская Е.П. Банковское дело: учебник. / Е.П. Жарковская. - Москва: Омега-Л, 2006.-452с.
50. Жуков Е.Ф. Общая теория денег и кредита. – М.: ИО «ЮНИТИ», 1995. – 304 с.
51. Иванов А.Н. Банковские услуги: зарубежный и российский опыт. - Москва: Финансы и статистика, 2002. - 173с.
52. Лаврушин О.И. Анализ экономической деятельности клиентов банка. - Москва: Инфра-М, 1996.—80с.
53. Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник. 2-е изд. Перераб. и доп. / О.И. Лаврушина. - Москва: КноРус, 2008. – 768 с.
54. Лаврушин О.И. Деньги. Кредит. Банки. - Москва: КноРус, 2005. - 558с.
55. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. - Москва: Консалтбанкир, 2003. -272с.
56. Лаврушин О.И., Мамонова И.Д., Валенцева Н.И., Ширинская З.Г. Банковское дело. - Москва: Финансы и статистика, 2003.- 672с.
57. Лаврушин О.И.,Афанасьева О.Н., Корненко С.Л. Банковское дело: современная система кредитования. - Москва: КНОРУС, 2006.-256с.
58. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Финансовая академия при правительстве РФ. -4-е изд., стереотип.. -М.: КноРус, 2008. -264 с.
59. Банковские риски. под ред. О.И. Лаврушина, Н.И. Валенцевой; Финансовая академия при Правительстве РФ. -2-е изд., стереотип.. -М.: КноРус, 2008. -232 с.
60. Ляховский В.С., Коробейников Д.В., Серебряков П.А. Справочник кредитного коммерческого банка. - Москва: Гелиос, АРВ, 2003. - 608с.

61. Миллер Л.Р. Современные деньги и банковское дело./ Л.Р. Миллер. - Москва: Инфра-М, 2000. - 856с.

62. Печникова А.В. Банковские операции. Учебник. - Москва: ФОРМ:ИНФРА-М, 2003. -368с.

63. Селищев А.С. Денги. Кредит. Банки. / А. С. Селищев. - Спб.: Питер, 2007. - 432с.

64. Семибратова О.И. Банковское дело: учебник для нач. проф. образования / О.И. Семибратова. - Москва: Академия, 2004. - 218с.

65. Сазыкин Б.В. Управление операционным риском в коммерческом банке. – М.: Вершина, 2008. – 272 с.

66. Жарковская Е.П., Арендс И.О. Банковское дело. курс лекций. - Москва: Изд.ОМЕГА-Л, 2003.-399с.

67. Миллер Р.Л., Ван-Хуз Д. Д. Современные деньги и банковское дело. Перевод с английского изд. - Москва: Инфра- М, 2000.-856с.

68. Уэрта де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы.. пре. с англ. под. ред. А.В. Куряева. – Челябинск: Социум, 2008. – 663+xiv с.

69. Интернет сайтлари:

<http://www.review.uz/>

<http://www.uba.uz/>

<http://www.cbu.uz/>

<http://www.gov.uz/>